



# Hurriyat

Mustaqil gazeta

2025-yil  
12-fevral  
chorshanba  
№ 6 (1433)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan \* www.uzhurriyat.uz \* @ gazhurriyat@mail.ru \* t.me/hurriyatuz \* f Hurriyat gazetasi

## ЎЗЛИК

# БУЮК ТАМАДДУНГА БУЮК ЭЪТИБОР

Асрлар ўтаверди... Миллий тафаккуримиз, миллий маданиятимиз дурдоналари, улуғ тоғлар кўксидagi хазина-ю дафиналаримиз ёғиларга ўлжа бўлиб, дунёнинг турли пучмоқларига сингиб кетди. Президентимиз таъкидлаганидек: "Халқимизнинг бой ва бетакрор меросига оид кўп китоблар, турли ўлкаларга сочилиб кетган қўл-ёзмалар, ноёб маълумотлар, санъат асарлари, афсуски, бизга номаълум эди".

Бироқ халқимизда "Ойнинг ўн беши қоронги бўлса, ўн беши ёруғ", деган ҳикматли сўз бор. Ниҳоят, биз узоқ кутган ўша кун келди. Таъбир жоиз бўлса, юртбошимиз унут бўлган тарих қалбига қўл солди — нурли йўл солди. 2017 йил 23 июнда "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги тарихий қарорга имзо чекди. 2018 йилнинг Рамазон ҳайити куни эса давлатимиз раҳбари унинг пойдеворига рамзий тамал тоши қўяр чоғида: "Бу марказни қуришдан мақсад ислом маърифатини ўрганиш, боболаримизнинг буюк меросини авваламбор халқимизга, дунё ҳамжамиятига етказишдир", — деган эди.

Бугунги кунда қадимги меъморий обидаларимизнинг суврат ва сийратини ўзида акс эттирган, маҳобати билан ҳар қандай хорижий меҳмонни ҳам шошириб қўядиган уч қаватли мажмуанинг тўрт томонида баландлиги 34 метрлик пештоқларнинг кўкка буй чўзиши, ўртадаги 65 метрлик гумбаз... Нақшларида қуёш нури сирланаётган ранглarning бекиёс уйғун-



лиги алоҳида кўрк ва салобат бағишланган мухташам бино қад ростлаб, қурилиши якуний босқичга кирган ушбу мажмуа тарихимизда илгари бўлмаган улкан ва ноёб лойиҳа... ноёб меъморий ҳодисадир.

...Биз республика оила ва хотин-қизлар кўмитаси, оқила аёллар ҳаракати фаол-

лари кўз тушиши билан кўз ва кўнгилни ўзига мафтун қилиб, чексиз ҳайратга соладиган улуғвор, мухташам марказ бинони қошида ҳавас ва фахр билан турибмиз. Дилдан кечаётган ҳаяжонларни сўз билан ифода этиш қийин. Чунки пештоқларига Қуръон оятлари битилган бу улуғвор маскан сирли, нурли ва қадимий та-

рихимизнинг илм-маърифат боғларидан хуш насимларни димоғингизга олиб келувчи, ҳикмат чашмаларининг суви-ла сероб қилиб, чанқоғингизни қондирувчи тилсимдек туюлди менга...

2-6

## БОҚИЙ МИСРАЛАР

Заҳириддин Муҳаммад БОБУР

### ЭЙ, КЎНГУЛ...

Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ,  
Кимки, ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиғ.

Гар замонни нафъи қилсам, айб қилма, эй рафиқ,  
Кўрмадим ҳаргиз, нетойин, бу замондин яхшилиғ.

Дилраболардин ёмонлиқ келди маҳзун кўнгулма,  
Келмади жонимга ҳеч ороми жондин яхшилиғ.

Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдунг ямонлиғ асру кўп,  
Эмди кўз тутмоқ не, яъни ҳар ямондин яхшилиғ.

Бори элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўқ  
Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.

Яхшилиғ аҳли жаҳонда истама Бобур киби,  
Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ.

## ТУГАНМАС ХАЗИНА



Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фондида сақланиб келинаётган бой маданий ва маърифий мерос билан ёшларимизни, мутахассисларни, профессор-ўқитувчиларни яқиндан таништириш, уларга мазкур ресурслардан тадқиқот объекти сифатида фойдаланишларига кенг имкониятлар яратиб берилган. Маҳмудхўжа Бехбудий муҳаррирлигида чоп этилган "Самарқанд" газетаси, "Ойна" журнали, Бехбудийнинг маърифий, таълим-тарбияга оид, мусулмонларни маданий ва замонавий билим олишга ундовчи мақолалари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

4-6

## МАҲОРАТ МАКТАБИГА КИРИШ



4-6

## 14 ФЕВРАЛЬ – ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

# ДИЛБАР ШАХС, МАРД ВА ТАДБИРКОР ҲУКМДОР



Бобур мирзонинг жаҳон маънавий ҳаётига улкан ҳисса бўлиб қўшилган энг муҳим хазиналари унинг асарларидир. Бу асосан беш китоб: 1) Девон, яъни шеърлар мажмуаси, маснавийлар; 2) қомусий ёднома асари — "Бобурнома"; 3) буюк фикрий асари — "Мубаййин"; 4) "Аруз рисоласи" ("Муфассал"); 5) "Волидийя" асари каби маънавий-маърифий хазиналардан иборат.

Бобур мирзонинг юқорида келтирилган асарларидан ташқари, "Хатти Бобурий", шунингдек, мусиқа санъати ва ҳарб ишларига махсус бағишланган рисоалари ҳам бўлган айтади. Аммо кейинги икки асар матни ҳанузгача топилган эмас. "Хатти Бобурий"да муаллиф араб алифбосини соддаштириш ва осонлаштириш мақсадида уни туркий тил мезонларига мослаштирган. Тарихчи олим Лаҳнавий-Ҳасанийнинг ёзишича, буюк бобомиз бу имлода Қуръони каримни кўчиртириб, Маккаи мукаррамага — муқаддас Каъбатуллоҳ маъмурларига юборган. Хатти Бобурийда ёзилган Қуръони каримнинг Машҳад музейидан юртимизга келтирилгани Бобур мирзо илмий фаолиятини ўрганишда янги имкониятларни очди.

Улуғ муаррих Лаҳнавий-Ҳасанийнинг "Нузхат ул-хавотир" ("Хотиралар сайри") китобида у кишини "Турли соҳаларда денгиздек илм олган" деб таърифлаши бесабаб эмаслигини шундан англаймиз.

"Бобурнома" асаридан адабиёт, шеърий санъат, тилшунослик, луғатшунослик, китобат, сиёсат, иқтисод, жуғрофия, мактубнавислик одоби, таърихнавислик (таърих жанри) санъати, дин ва дун, шарият ва тарикат, фикҳ ва тасаввуф, этнография, жамиятшунослик, инсоншунослик, фалакиёт (астрономия), тиб-табобат илми, ҳарбий таълим, боғдорчилик, мисирчилик, халқ оғзаки ижоди, математика, бинокорлик ва ободончилик, оила ва жамият, ислом арқони ва аҳкоми, тушлар таъбири каби кўплаб соҳаларга оид илмлардан намуналар, маълумот ва тушунчалар топиш мумкин. Бу жиҳатдан мазкур асар хилма-хил илмлар хазинаси, қомусий маълумотномадир.

2-6

# БУЮК ТАМАДДУНГА БУЮК ЭЪТИБОР

1-6

Бизни синчиклаб кузатиб турган, марказнинг курилишига оид ҳар бир икки-чикирни ёддан билувчи, унинг фаолиятига маъсул юртдошимиз меҳр билан ҳикоя қилар экан, беихтиёр ҳаммамизнинг кўнглимиздан Президентимизнинг 2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи кечди:

“Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиши билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон мурося қила олмаймиз. Исломи дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади. Марказий Осиё Уйғониб даврининг кўплаб ёрқин намоёндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида қайд этмоқчиман. Ана шундай буюк алломулардан бири Имом Бухорий ўз аҳамиятга қўра ислом динида Қуръони каримдан кейинги муқаддас китоб ҳисобланган “Саҳихи Бухорий”нинг муаллифи сифатида бутун дунёда тан олинган. Бу улуг зотнинг гоят бой меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш, маърифий ислом тўғрисидаги таълимотини кенг ёйиш мақсадида биз Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилдик. Тошкентда ташкил этилаётган Исломи цивилизацияси марказининг фаолияти ҳам шу мақсадга хизмат қилади”.

“Ўзбекистондаги Исломи цивилизацияси марказини барпо этиш бўйича кенг кўламли ишлар бошлангандан буён муҳтарам Президентимиз етти мартаба Ҳазрати Имом мажмуасига ташриф буюриб, Исломи цивилизацияси марказининг лойиҳалаш ва қурилиш ишлари билан танишди, — деди суҳбатдошимиз, сўнгра мажмуа ичкарисига тақлиф қилди.

Биз бичкарисига қадам қўяр эканмиз, марказнинг энг асосий қисмида Қуръони карим зали бунёд этилаётганининг гувоҳи бўлдик. Зал ажиб беазаги ва шукӯчи билан қалба ором берар, баланд шифдан худди нур қўйилаётгандек эди. Катта, салобатли зал — умуман, Исломи цивилизацияси маркази дунё меъморчилигини тақрорламайдиган мўъжиза бўлиб туюлди менга. Ҳаёлимдан ярқ этиб, бир фикр чамқоқдек ўтди: бу муҳташам марказ ўхшаса фақат ўзига ўхшайди. Унинг бошқа эгизига йўқ. Шу ўринда суҳбатдошимиз мамлакатимизда сўнгги йилларда виждон ва эътиқод эркинлигини мустаҳкамлаш, диний-маърифий саводхонлиқни оширишга катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлаб, бундан бир неча йил муқаддас давлатимиз раҳбари аҳоли билан ўтган учрашувлардан бирида беихтиёр озон товушини эшитиб, бир мuddат тўхтаб



қолган, кейин шундай изоҳ берганлиги ҳақида тўхтаб ўтди: “Худога шукр, олдин азонлар эшитаридики? Қандай ёқимли! Ҳамма нарса ёпиқ эди, кўп нарса мумкин эмасди. Мумкин эмас, нимага мумкин эмас? Бу ҳам ўзлимизни англаш, қадрият-ку! Исломи динини ўқиган, тўғри таҳлил қилган, тўғри йўл танлаган одам ҳеч қачон кам бўлмайди. Динимизнинг буюклигини, инсонпарварлигини, эзгулигини тараннум қилишимиз керак. Бу ҳам бизнинг тарихимиз, эртанги кунимиз, ўзлимиз...”.

Ўзбекистондаги Исломи цивилизацияси марказида ҳам ана шу йўналишдаги қўл ёзма, босма ва электрон адабиётларни жамлаш, уларнинг махсус экспозициясини яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, мажмуа марказида Қуръони карим залининг жой олиши ҳам Яратганнинг муборак қаломига бўлган чексиз эҳтиром натижасидир. Муҳтарам Президентимиз “Қуръонни эшитиш, эшитта олиш юксак маънавият, маърифат. Қуръон ҳеч қачон ёмонликка даъват қилмайди. Агар Қуръонни каримни эшитта олсак, эшиттира олсак, бу муваффақият бўлади. Элимизга нур келайди”, деб бежиз таъкидламаган эдилар, — деди суҳбатдошимиз. Шундан сўнг ушбу зал ҳақида батафсил сўзлаб берди:

— Қуръони карим зали экспозициянинг марказий қисмида жойлашган. Унинг асосий экспонати Қуръони каримнинг илк олти ёзма вариантларидан бири — Усмон Муҳсафий умумбайсарий аҳамиятта молик муқаддас битикдир. Қуръони карим зали экспозициясининг алоҳида ўрни ва аҳамияти энг аввало мазкур факт билан белгиланади. Қуръони карим зали сақлаш қиррали интеръерга эга бўлиб, диаметри 45 метр, умумий ҳудуди эса 1 638 квадрат метрни ташкил этади. Уртада — 55,6 метр баландликдаги гумбаз остида VII асрда битилган ислом оламнинг дурдонаси ҳисобланган Қуръоннинг энг қадимий

нусхаси — Усмон Муҳсафий жойлаштирилди. Усмон Муҳсафий махсус витринада, Самарқанддаги Бибихоним масжиди ҳовлисида сақланаётган қадимий мармар лавҳа ўхшаш поплитрда намойиш этилади. Лавҳанинг тепа қисми устуни шадфот гумбаз билан ёпилади. Шунингдек, у ерда Усмон Муҳсафий тарихини ёритиб берувчи матн жойлаштирилди.

Ўзбекистонда сақланаётган қадимий кийик терисига ёзилган Усмон Муҳсафий ЮНЕСКО томонидан 1997 йили жаҳон хотираси дурдоналари рўйхатига киритилган. 2000 йил 28 августда мазкур Муҳсафий ЮНЕСКО томонидан асл қўл ёзма эканлигини тасдиқловчи сертификат берилган.

Қуръон зали интеръерига Қуръон ҳақидаги оятлар ва ҳадислар ёзилади. Муҳсафий жойлаштирилган айвон ичига Саудия Арабистони Подшоҳи томонидан Исломи цивилизацияси маркази совға қилинган Қазбапуш бўлаги илинди.

Зал деворларида Муҳсафийдан олинган оятлар туширилган 8,1х3,7 метр ўлчамдаги 8 та ипақ гилам 4 та равоқда намойиш этилади. Гиламларга Усмон Муҳсафийдан олинган оятлар битилади.

Биринчи гиламда “Фотиҳа” сурасининг 1-7-оятлари ҳамда “Бақара” сурасининг 1-5-оятлари келтирилган.

Иккинчи гиламда “Бақара” сурасининг 137-142-оятлари туширилган.

Учинчи гиламда “Оли Имрон” сурасининг 199-200-оятлари ва “Нисо” сурасининг 1-2-оятлари туширилган.

Тўртинчи гиламда “Исро” сурасининг 110-111-оятлари ва “Каҳф” сурасининг 1-6-оятлари келтирилган.

Бешинчи гиламда “Марья” сурасининг 97-98-оятлари ҳамда “Тоҳа” сурасининг 1-6-оятлари келтирилган.

Олтинчи гиламда “Есин” сурасининг 82-83-оятлари ҳамда “Соффот” сурасининг 1-9-оятлари келтирилган.

Еттинчи гиламда “Соффот” сураси-

нинг 179-182-оятлари ҳамда “Сод” сурасининг 1-6-оятлари туширилган.

Саккизинчи гиламда “Шўро” сурасининг 52-53-оятлари ва “Зуҳруф” сурасининг 1-8-оятлари туширилган.

Мазкур гиламлар жойлашувининг эстетикаси, уларнинг ердан баландлигига алоҳида аҳамият берилди. Саккизта гиламда акс эттирилган оятларнинг аслиятдаги қуфий хатидан ташқари, насх хатидаги вариант ҳамда ўзбек, инглиз, рус ва бошқа тиллардаги таржималари QR код орқали берилди.

Гиламлар устидаги биринчи доирага таъаввуз, сўнгисига “Садақ Аллоҳул азим” қилинган, буларнинг орасидаги (2-7) доираларга оятлар ёзилади.

Гиламларнинг олд тарафидида витриналарда Қуръони каримнинг Марказ фондида сақланаётган қадимий қўл ёзма нусхаларидан намуналар билан бир қаторда Қуръоннинг Туркия давлатидаги Тўққоли музейида сақланаётган Ҳазрат Али (р.а.) қўллари билан ёзилган нусхаси, Захриддин Муҳаммад Бобур тузган “Хатти Бобурий” имлосида кўчирилган нусхаси, Усмон Муҳсафийнинг хатот Ҳабибуллоҳ Солиҳ томонидан кўчирилган “эгизак” нусхаси ва Амир Темурга атаб тайёрланган, хатот Нажмиддин Фаёзий кўчирган нусха, Қуръоннинг саҳобалар даврида кўчирилган нусхалари, Амир Темурнинг неварасига атаб кўчиртирган нусхаси, дунёда тенги йўқ, ўта қимматбахо Амир Темур Қуръони, Темирийларнинг рангли муҳсафлари, Қўқон Хони Амир Умархон 1824 йилда Туркия Усмонли султони Маҳмуд Султонга совға қилган Қуръон нусхаси, темирийлар даврига оид Қуръоннинг бошқа нодир нусхалари, хорিজда сақланаётган Ўзбекистонга оид қўл ёзма муҳсафларнинг фақсимиле нусхалари каби ноёб хазиналар жойлаштирилди.

Гиламларнинг олд тарафидида витриналарда Қуръони каримнинг Ўзбекистонга бевосита алоқадор бўлган 114 нодир қўл ёзма нусхасининг асл ва фақсимиле нусхалари намойиш этилади. Бунинг учун залдаги 10643 мм ўлчамли равоқлар орасида 4 дон ва 2753 мм лик 8 та устун остида 8 дон — жами 12 дон витрина жойлаштирилди.

Ушбу витриналарда намойиш этиладиган Ўзбекистонга бевосита алоқадор бўлган 114 та Қуръон қўл ёзма ҳақида маълумотлар жамланмоқда. Ҳозирда мамлакатимиз ва хоризда, музей, кутубхона, шахсий коллекцияларда сақланаётган нодир қўл ёзма ўрганилмоқда. Улардан саккизинчи асрга мансуб нодир қўл ёзма — Катта Лангар Қуръонини Тошкент ва Санкт-Петербургда сақланаётган 97 га яқин саҳифаси, шунингдек, Тоҳирийлар, Сомонийлар, Қорахонийлар, Ҳазратийлар, Хоразм Маъмунийлар, Салжукийлар, Ануштегинийлар, мусулмон мўғул ҳукмдорлари, Чингтай улуси, Темирийлар, Бобурийлар, Сафавийлар, Аштархонийлар, Бухоро, Қўқон ва Хива хонлиқлари каби турли даврларда мамлакатимиз ҳудудида кўчирилган ёки асрлар давомида

юртимизда сақлаб келинаётган Қуръони карим нусхалари аниқлиги, Қуръон залидаги ушбу витриналарда намойиш этилади.

Қуръони карим залидаги экспозициянинг “114 Қуръон қўл ёзма” деб номланганига Қуръони каримнинг 114 та сураси сонидан келиб чиқиб, шартли равишда танланган.

Қуръони каримнинг илмий асосланган 66 га яқин номи Усмон Муҳсафий тепастидаги гумбаз остидаги нақшлар қисмида ёзилади.

Қуръон зали деворлари, безаклари фони оч яшил, мовий сингари тинчлантирувчи рангларда тасвирланади.



Қуръон залининг кириш эшигига Бақара сурасининг 144-оятлари ёзилади.

Қуръон залида 24 соат давомида қориларнинг жонли тиловат қилиши учун махсус жой (ёки хона) ташкил этилади.

Қуръон зали бўлимига кирувчилар учун махсус либос (дресс код) жорий қилинади. Қуръон залида, шунингдек, мультимедиа махсуслотларини намойиш этиш имкониятлари ҳам қўриб чиқилмоқда.

Шунингдек, мажмуада “Исломи аввалги цивилизациялар”, “Биринчи Ренессанс даври”, “Иккинчи Ренессанс даври”, “Ўзбекистон XX асри”, “Янги Ўзбекистон — янги Ренессанс” каби бўлимлар ташкил этилади.

Мазкур даврлар тарихи турли ашёлар, қўл ёзма манбалар, суратлар ва мультимедиа воситалари орқали намойиш этилган. Хоразмий, Фарғоний, Форурий, Беруний, ибн Сино, Бурхониддин Марғиноний, Маҳмуд Замаҳшарий, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Бобур қуръон, Али Қўшчи каби аллома ва мутафаккирларнинг серқирра фаолияти ҳақида маълумот берилган. Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Абу Муин Насафий, Қаффош Шоший, Абдуллоҳиқ Фиждудовий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳўжа Аҳрор Валий каби уламоларнинг ислом маърифатига қўшган ҳиссаси атрофлича ёритилган.

— Айни вақтда мажмуада Бибихоним, Хонзодабегим, Гавҳаршодбегим, Гулба-

данбегим, Нодирабегим, Увайсий, Анбар Отин каби тарихимизда чўқур из қолдирган машҳур аёлларнинг илми-маърифат ҳомиеси сифатидаги фаолияти ҳам ўз ифодасини топади. Бу экспозиция бугунги кунлар учун ибрат намунаси бўлиб хизмат қилади. Ҳозир ана шу зал билан сизларни таништираман, — деди суҳбатдошимиз.

Биз Бош вазир ўринбосари, республика оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Зулайхо Маҳкамова бошчилигида ушбу залга кириб, давлат бошқарувида, оилада илм-маърифат чароғони бўлиб, ҳозиргача тарих тахтидан тушмай келаётган улуг аёлларимиз мероси ҳам

бўс-бутунлигича ёшларимиз онгига сингдирилиши ҳақида фикр-мулоҳазалар айтилди.

— Шу ўринда мен Президентимизнинг мажмуа ҳақида айтган сўзларини эслатиб ўтмоқчиман, — деди фидойи юртдошларимиздан бири Фаридат Абдурахимова. — Бу сўзлар барчамизга дастурламадир: “Исломи цивилизациясининг, ислом таълимотининг замири — аслида, илм-фан, маданият, таълим ва тарбиядир. Ватанимиз пойтахтида барпо этилаётган марказнинг бош гоёси, асоси ҳам шу. Энг муҳим томони — юртимиздаги ислом маданияти билан ўлтиш бир неча минг йиллик қадимий ётмиш бир жойда — мана шу мажмуада мужассам бўлади. Марказ билан танишсан одам ана шу тарихни яққол кўриб, ислом дини, бу аввало, тинчлик, тараққиёт ва баргиреклик дини эканини, ўзбек халқининг дунё тамаддунига қўшган буюк ҳиссасини аналайдми”.

Муҳташам Исломи цивилизацияси маркази биноси олдида фото ва видеотасвирга тушар эканмиз, Эски шаҳарнинг тарихий Қорасаройи кўчасидан ўтиб кетаётган йўловчиларнинг, ёш-яланларнинг бу қутлуғ мажмуага қараганларида қўзғаларда порлаган ҳайрат, қувонч, гурур туйғуларини қўраб эканман, ўзимга ҳам Янги Ўзбекистон ҳавопаридан нафас олиш, шундай тарихий кўларнинг гувоҳи бўлиш бахти насиб қилганидан масрур эдим.

Шарнифа САЛИМОВА

1-6

Бу далиллар Захриддин Муҳаммаднинг болалик ва ёшлиқдан улуг устозлардан таълим олиб, соғлом қалб ва ақл топаннинг камол топиб, етук шахс бўлиб камол топаннинг исботидир.

Таниқли бобуршунос олиб Ваҳоб Раҳмонов таъкидлагандек: “Бу асар мазмуни, воқеаларга эътибор қилган зийрак китобхон: “Бобурнинг қизиқмаган ва билмаган соҳаси қолмаган экан!” деган ҳайратли хулосага келади.

XVI аср таъриқларининг нодир намуналаридан бўлиши Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музаққири аҳоб” (“Севимли зотлар ёдномаси”) асариди: “Захриддин Муҳаммад Бобур подшоҳ ибн Мирзо ибн Умаршайх ибн Султон Абусайд Қўрагон ибн Султон Муҳаммад Мирношх Мирзо ибн Амир Темур Қўрагон зикри” дея махсус бир боб ажратилган. Бобур мирзо истеъдодининг турли қирраларини тавсиф этиб, уни: “Чингтай султонларининг энг сараси ва зўр шижоатлиси эди...” деб таърифлайди.

Шундан сўнг муаллиф Бобурнинг маънавий ҳоли, шоирлик истеъдоди ва фақиҳлик қобилияти ҳақида сўзлаб: “Подшоҳнинг Нақибандия (тариқати) олий хонадонига урдат нусбатига бор эди. Юқори шон-шавкатли бобоси ва салтанат нишонли отасининг ҳазрати Хожа (Убайдуллоҳ) Аҳрора иродати бўлган. Бобур подшоҳ ҳам бу улуглар хонадонига нусбатан иззат-иқромни соатма-соат оширар ва бирор дақиқа бу ишни қанда қилмас ва гафлатда қолмас эди”, дейди.

Нодир ҳислат ва қароматлар соҳиби бўлган ҳазрати Хожа Аҳрор Валий билан улуг подшоҳ, аллома ва шоир Захриддин Муҳаммад Бобур ўрталарида қучли маънавий иртибот мавжуд эди. Бунга сабаб улуг валийнинг маънавий тасарруфи қувватли экани ҳамда Бобур мирзонинг шайхга бўлган муҳаббат ва эътиқоднинг самимий эканидир. Бу боғлиқлик Хожа Аҳрор ҳазратларининг шоҳ ва шоир ҳаётига тегишли бир неча қароматларида намоён бўлади.

Бобур мирзонинг нақадар улуг одоб ва ахлоқ соҳиби экани ҳазрат Алишер Навоийга бўлган муносабатидан ва қисқа вақт Хиротда — ҳазрат Навоийнинг уйда турган вақтидаги қилган хизматларидан ҳам равшан англашилади. Масалан, “Бобурнома”нинг Қобул даври воқеаларида — 1509-1510 йиллар воқеаси баёнида қу-

йдаги оламшумул ходиса эсланади: “Боги Навда бир кеча бўлдум, ани муносиб кўрмай, Алишербекнинг уларини таъйин қилдилар. Ҳиротдан чиққунча Алишербекнинг уларида эдим”.

Яна бир иқтибос: “Одина куну, ойнинг йиғирма учиди Алишербекнинг тўрт девонидин бухур авзони тартиби биле (аруз баҳрлари авзларни асосида) ғазаллар ва абётким, интихоб қилиладур эди, итмомига етти”.

Демак, Бобур мирзо Ҳирот шаҳрида эканида ҳазрат Алишер Навоийнинг хурматларини сақлаш, маънавий ҳақини адо қилиш, ҳурмат ва эҳтиромини жойига қўйиб, у зотга хизмат қилишни ўзига бурж деб билади ва хизмат умиди билан у зотнинг тўрт девонидан баҳрлар вазина қараб ғазалларини саралаб, бир сайланма девон тузади. Бундай эҳтиром кўрсатиш фикри

қозонди. Ҳолбуки, бу асл-ҳақиқатда Буюк Бобурийлар салтанати эди!

Бобур мирзо бу давлат тепасида атиги беш йилча ҳукмронлик қилиб, 1530 йил 26 декабрда вафот этди. Мана шу қисқа вақт ичиде бутун салтанат соҳибининг саломатлиги ёмонлашиб боришига қарамай, у кўпгина улугвор ишларни амалга оширишга улгурди.

“Бобурнома” янги нашиннинг сўзбоши-сида муҳтарам олимларимиз ёзадилар: “Бобур мирзо Агра ва Деҳли шаҳарлари атрофини ободонлаштириш, Жамна дарёси бўйларига саройлар, қасрлар, ҳаммомлар қуриш, боғлар барпо этиш ишларига бош-қош бўлади, бозорлар, гузарлардан олинмаган тамга солиғини бекор қилади, Қобул ва Ҳазна шаҳарларини сув билан таъминловчи ва илгари бузиб ташланган сув иншоотларини қайта тиклаш учун

## ДИЛБАР ШАХС, МАРД ВА ТАДБИРКОР ҲУКМДОР

маблағ ажратади. Аградан Қобулга борадиган савдо йўлининг бехатарлигини таъминлаш мақсадида қарвонсаройлар, рабоблар қурдирад. Уз атрофида олим ва шоирларни тўплаб, уларнинг ижодий ишларига ҳоимлик қилади”.

Бобур мирзо саройига Ўрта Осиё ва Хуросондан машҳур тарихчи Хондამир, ҳикмат соҳибларидан Абу-Бакр, шоирлардан Мавлоно Шайхоб Муаммоий (Фақирий), Мулла Бақоий, Видоий, Абдуллоҳид Форигий, Шайх Зайн (Зайнуддин Хавофий) ва бошқалар келиб туркий-ўзбек ва форс-тожик тилларида ижод қилдилар. У ҳинд олимларида Шайхорони Ўзига вазир қилиб тайинлади. Шайх Ҳофиз Қўчақий Тошкандий Тошкентдан Бобур мирзо зиёратига бордилар, Бобуршоҳ у зотга олтидан ва қумушдан ҳадялар қилиб, иқром кўрсатади. Бу воқеа “Бобурнома”да ҳам қайд этилади: “Хожа Мир Султонга ва унинг ўғилларига, Ҳофиз Тошкандий ва Мулла Фаррух бошчилиги-

даги Хожанинг хизматидаги кишиларга ҳамда бошқа элчиларга ҳам олтидан ва қумушдан бўлган ашёлар инъом этилди” (“Бобурнома”нинг содда баёнидан).

Бобур мирзо асос солган салтанат, мамлакатни маълум даражада сиёсий жиҳатдан бирлаштириш, ободонлаштириш ва маданий жиҳатдан юксалтириш нуқтани назаридан Ҳиндистон учун фойдалиб бўлган эди.

Ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби Жаҳоҳарлаъл Неру “Ҳиндистоннинг кашф этилиши” ва “Жаҳон тарихига бир назар” асарларида Бобур ва унинг набираси Акбаршоҳга юксак баҳо беради. Жумладан, бундай деб ёзади: “Бобур — дилбар шахс, Уйғониб даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган. У санъатни, адабиётни сеवर эди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрар эди”.

Кейинчалик Неру “Жаҳон тарихига бир назар” номли уч жилдик асарида ҳам Бобур мирзо ва Акбаршоҳ ҳақида алоҳида тўхталади. Жумладан, Бобур мирзо ҳақида шундай ёзган: “Бобур шу вақтгача ўтаган маданиятли ва жозибадор инсонлар орасида энг етуқларидан бири эди. У мутаассибликдан йироқ эди... Бобур санъат ва адабиётни, айниқса, сеवर эди”.

Бу таърифларнинг ҳаммаси Бобур шахсиятига, у асос солган салтанатнинг Ҳиндистон тарихида тутган ўрнига берилган муносиб баҳо-дир.

Бобур мирзо гарчи умри юришлар, жангу жадаллар билан ўтган бўлса-да, қаердан ўтмасин ва қаерга қўнамсин, китобларга улкан эътибор қаратган ва мўътабар китоблар йўқ бўлиб кетмаслиги учун уларни йиғиб, саралаб жамлаб борган.

“Бобурнома”нинг Ҳиндистон даври — тўқ-

қиз юз ўттиз иккинчи (1525) йил воқеаларида Малўт қўрғонига учраган китоблар ҳақида айтилади: “Икки кечани шу тепалиқда ўтказиб, душанба кун қўрғонга кириб айланб, Ҳазратнинг кутубхонасига кирдим. Бир қанча нафис китоблар чиқди. Бир нечтасини Хумоюнга бериб, бир нечтасини Қомронга юбордим. Улар ичиде илмий китоблар жуда кўп эди. Лекин бир қараганда қимматбахо кўринган китоблар ичиде арзийдигани унча кўп эмас эди. Кечаси ўша ерда қолиб, эртасига ўрдага қайтиб келдим”.

Бобур мирзонинг хар қайси мамлакат ва шаҳарлардан йиққан китоблари қаерда сақланади ва уллар қандай қадрланди? Бу савол Бобур мухлислари орасида кўп учрайди ва бунга жўяли жавоб олинган эмас.

Бу саволга аниқ жавоб тариқасида айта-мики, Захриддин Муҳаммад Бобур жамлаган китоблардан Ҳиндистонда улкан кутубхона тузган ва барча китобларни у ерда сақлаган.

Бунга далил тариқасида “Бобурнома”дан қуйидаги воқеани келтирамиз:

“Одина куну ойнинг йиғирма учиде ҳарорати баднимда зоҳир бўлди. Андоқким, жумъа намозини масжидта ташвиш биле ўтадим, намоз пешин эҳтиётини келиб, китобхонада, бир замондин сўне машаққат биле ўтадим”. (“Бобурнома”. Тўққиз юз ўттиз бешинчи (1528) йил воқеалари).

Бу муқаррар жавобдан маълум бўладики, Бобур мирзонинг барча йиққан китоблари Ҳиндистондаги кутубхонасида сақланган.

Бобур мирзо жаҳон ва туркий-ўзбек адабиёти тарихида мерос салмоғи жиҳатидан улкан ҳазина қолдирган шахслардан биридир. Албатта, Алишер Навоийдан кейин энг кўп ва ҳўб адабий-маънавий мерос қолдирган зот Муҳаммад Ризо Оғаҳий эканлиги илм ва маърифат аҳлига яхши маълум. Ҳазрати Оғаҳий буюк тарихи мақтабини барпо қилган сермахсул мутаржим ҳамдир. У зот ҳаёт тарзи жиҳатидан ҳам ўзини ҳазрат Навоийга ўхшатишга ҳаракат қилган. Лекин шахсининг аjoyиб фазилатлари, мавзу қўламининг кенглиги, “Бобурнома” сингари қомусий асарини хисобга олсак, маърифий мерос бобида Бобур мирзонинг ҳам мавқеи улуг зот эканлигига шубҳа йўқ.

Мирзо КЕНЖАБЕК,  
Ўзбекистонда хизмат қўрсатган  
ёшлар мурабийси,  
шоир ва таржимон.

УЛУҒ СИЙМОЛАР

Икки буюк аждодимиз Алишер Навоий ва Захриддин Муҳаммад Бобур ўзбек халқи тарихида ёрқин саҳифа очган, ўз-ўзига маънавият ва маърифатдан мангуликка ҳайкал қўйган буюк сиймоларимиздан саналади. Тарихчи Хондамирнинг “Мақорим ул-ахлоқ” асарида Алишер Навоийнинг хизмат ва фазилатлари шундай тавсифланади: “...то қиёматгача ва қиёматда ҳам улуғ ҳазратнинг ёқимли фелълари ва яхши ишлари замон саҳифаларида, кеча ва кундуз варақларида мангу қолур”.

Дарҳақиқат, халқ ўз суюкли фарзанди ижодий меросини унутгани йўқ, унинг одоб-ахлоқ фольклор асарларида афсона бўлди. То ҳозирга қадар улуғ бобокалонимиз таваллудининг кенг нишонланаётганлиги, 1989 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан ҳар 3 йилда бир марта Мустанқиллик байрами арафасида миллий қадриятлар ҳазинасини бойитган адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги энг ёрқин ва сермазмун асарлар учун Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти берилётгани, халқимиз бошига тушган оғир синов кунларида Ўзбекистонда ҳам, кўшни қардош республикаларда ҳам, ҳатто фашистлар қамал қилган оч ва совуқ Ленинградда ҳам Навоийнинг 500 йиллиги нишонлангани бунга яққол мисол бўла олади. 1991 йили Ўзбекистонда “Алишер Навоий йили” деб эълон қилинган, Жанубий Корея, Туркманистон, Венгрия, Қозғоғистон, Туркия, Беларусь, Қирғизистон, Россия, Япония, Озарбайжон, Хитой ва Тожикистонда Навоийга ҳайкал ва бюстлар ўрнатилгани, Туркий давлатлар ташкилоти доирасида Алишер Навоий номидаги халқаро мукофот таъсис этилгани, Президентимиз ташаббуси билан 2025 йили Навоий вилоятда “Алишер Навоий йили” деб эълон қилинган эса барчамизга гуруҳ бағишлайди.

Алишер Навоий жаҳон шеърятини ҳазинасини дурдона асарлари билан бойитган, Ҳусайн Бойқаро салтанатида давлат арбоби сифатида бунёдкорлик ва маънавий-маърифий ислохотлар олиб борган, амалга оширган ишлари сабабли “амири кабир” (улуғ амир), “амири муқарраб” (энг яқин амир) унвонларига сазовор бўлган. Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр” асарида келтирилшича, Алишер Навоий ўз маблаглари ҳисобидан Хуросонда бир неча мадраса, 40 та рабат, 17 та масжид, 10 та хонақоҳ, 9 та ҳаммом, 9 та кўприк, 20 га яқин ҳовузлар қурдирган. Мутафаккирни ташаббуси ва маблаглари билан қурдирилган “Ихлосия” мажмуаси ҳозирга қадар бутун дунё аҳли учун ўзига хос маънавий маскан ҳисобланади.

Маълумки, Алишер Навоий барча асарларида қомил инсон тарбиясида алоҳида эътибор қаратган. У тарбияни ўта жиддий ва мураккаб жараён, деб билди.

Улуғ бобомиз ўз шеърларида инсон ахлоқ-одоби ҳақида мукамал йўриқнома, дастур тузганларки, унга қараб ўзимизда қомил инсонни тарбиялашга ҳаракат қилишимиз зарур.

**Кимки бир кўнгли бузқунинг хотирин шод айлағай, Онча борким, Катъба вайрон бўлса обод айлағай,** — дея уқтиради Навоий.

Яъни, бобомизнинг эътирофларида кўра, ким кўнгли ўқиб бир инсонни хурсанд қилса, ҳатто йиқилган Катъбани қайтадан қурган, обод қилган каби савобга ноил бўлади.

Алишер Навоийнинг “Назм ул-жавоҳир”, “Хазойин ул-маоний” (“Маънолар ҳазинаси”), “Лисон ул-тайр” (“Қушлар тили”), “Муҳокамат

“СЎЗ ҚАТТИҒИ ЭЛ КЎНГЛИНИ ОЗОР АЙЛАР”

ул-луғатайн” (“Икки тил муҳокамаси”), “Маҳбуб ул-қулуб” (“Қалблар севгани”), “Ҳамса” каби асарлари халқимиз маънавият ҳазинасидан муносиб ўрин эгаллаган. Бу асарларда ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, тарбиянинг миллий асослари ёритиб берилган.

Алишер Навоий инсонда сабр, тавозе, ҳилм (мулоимлик)ни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратган, буларни қомилликнинг муҳим белгиси, зеб-зиёвати, зиёлилик ва баркамолликнинг намоён этилиши деб билган, ҳилмни “одамийлик оламнинг жаҳоҳириг тоғи” (“Маҳбуб ул-қулуб”) деб ҳисоблаган:

**Комилда керак ҳилм ҳаёли, билгил, Ким ҳилмдадир илм камоли, билгил.**  
Алломонинг фикрича, одоб-ахлоқ инсонни ҳурмат-эътиборга сазовор этувчи энг муҳим ва ягона эталондир, чунки одоби инсон: “мансабдор кишилардан гўзалроқ ва бадав-

мақтаблар бино қилишга, мактуб ёзишда унинг шакл жиҳатидан аниқ ва тартибли, сўзлари изоҳланган, маъноли бўлишига диққат қаратишга даъват этади. Навоий болаларни бекорчи ўйинлар билан машғул бўлишига қарши туриб, Ҳусайн Бойқародан: “Масжид имомига тайинланган, масжид жойлашган маҳалла аҳлининг ўғил ва ёш болаларига мактаб очиб ўқитсалар”, дея илтимос қилади.

Навоий “Ҳамса”сининг илк достони “Ҳайрат-ул аброр”, ўз-ўзини тарбиялаш ва тавба-тазарруга йўлловчи “Вақфия”, “Лисонут тайр” каби асарларида қат-қат ҳикматлар битилган. “Сени ёмонликка бошлаган одам душманинг-дир” дея уқтиради “Ҳайрат-ул аброр”да.

**Бордур инсон зотида онча шараф — Ким ямон ахлоқин этса бартараф.**  
Инсон зоти шунчалик шарафлики, агар у ўзининг ёмон одатларидан қутулиб, Фиръавн

нинг иродаси, қолаверса, улуғ истеъдод ва фидоиликнинг халқимиз томонидан ҳақиқий маънода эътироф этилганлиги туфайлидир.

“Навоий ва Бобур ижоди ўртасида муштарак жиҳатлар борлиги кўпчилига маълум. Лекин айтиш пайда бу икки муҳташам ижод олами ўртасида бир-бирдан фарқ қиладиган ҳолатлар ҳам мавжуд. Мисол учун, гарчи улар ўртасида давр нуқтаи назаридан катта фарқ бўлмаса-да, “назми тиллари” турлича. Навоийни тушунишимиз қийин-у, Бобурни осонроқ тушунашимиз”, — деб ёзади адабиётшунос олим Ваҳоб Раҳмонов.

Ҳақиқатан, Бобурнинг назми асарларини тушуниш ҳозирги кун ўқувчисига ҳам қийинчилик туғдирмайди. Ҳатто боғча ёшдаги болалар ҳам унинг ахлоқий ғояларини англай биладилар:

**Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидир, Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидир.**



Холбой НБРАНIMOV,  
Қори Ниёзий номидаги  
Тарбия педагогикаси  
миллий институти директори,  
педагогика фанлари доктори,  
академик.



лат одамлардан ҳурматироқдир”. Барча мавжуд неъматлар инсон учун, унинг бахт-саодатини таъмин этиш учун яратилган экан, инсон Аллоҳнинг шу марҳаматига муносиб бўлмоғи, яъни одоб-ахлоқи билан ўз инсоний бурчини бажармоғи зарур.

Навоийнинг ҳаёт йўли ёш авлод учун ибрат мактабидир. Улуғ шоир одоб-ахлоқда барчамизга намуна бўла олади. Уқори мансаб эгаси, мамлакатнинг улуғ вазири бўлишига қарамай, у ҳаётда камтарин-камсуқум инсон бўлган. Ҳиротдаги Хожа Абдулла Ансорий хонақоҳида жорубкашлик (супурувчилик) қилган. Умрининг сўнгигача ушбу хонақоҳни озода тутишга, шахсан ўзи супуриб тозалашга, обод қилишга ҳаракат қилган. Меҳнатдан ор қилмаган, кибрга берилмаган.

Алишер Навоийнинг тарбияга оид “Муншаот” асарида 104 та мактуб мавжуд бўлиб, уларни мавзусига кўра тахминан тўрт турга, яъни табиати тасвирлашга қаратилган матнлар, шох Ҳусайн Бойқарога давлат ишларида кўмаклашиш мақсадида битилган матнлар, ўз ижодий фаолияти ҳақида Ҳусайн Бойқарони хабардор этиб туриш, панд-насихат ва тарбиявий мазмундаги матнларга бўлиши мумкин. Уларда шоир мамлакат шохини китоб ўқишга,

каби зулму ситамаг берилмаса, Мусо алайҳиссалом каби эзгу сифатларга ошно бўлади.

Алишер Навоий ширин сўзликни инсон эгаллаши зарур бўлган энг олий инсоний қадрият деб билди:

**Сўз қаттиғи эл кўнглини озор айлар, Юмошго кўнгуларни гурифторм айлар,** —

дея уқтиради.

Яъни, кўпол гаплар инсон қалбига оғир ботади, ширин сўз эса кишиларни бир-бирига боғлайди, мафтун қилади.

Шоир умрининг охирида 1500 йил сўнда эзиб тугатган “Маҳбуб ул-қулуб” асари дунёнинг аччиқ-чучуғини кўрган, гоҳо “компонлик” (бахтиёрлик), гоҳо “нотавонлик” (бахтсизлик) топган шоир ва мутафаккирининг 60 йиллик ҳаётини таърихларининг ўзига хос якуни эди. Унда тарбиянинг асосий негизлари ўз ифодасини топган, деб айтиш мумкин.

Халқимизнинг яна бир суюкли фарзанди, улуғ шоир ва давлат арбоби Захриддин Муҳаммад Бобурнинг номи ҳамisha Алишер Навоий билан бирга ёд олиниши бежиз эмас. Улар таваллудининг шундай оқилона кетма-кет келганлиги ҳамда доимо биргаликда нишонлашда чукур рамзий маъно бор. Бу, аввало, Яратган

Яхши киши кўрмағай ёмонлик ҳаргиз, Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир.

Шоир Бобурнинг “Яхши инсон бўл, шунда ёмонлик кўрмайсан” деб уқтирмақда, тарбия бермоқда.

Инглиз тадқиқотчиси Уильям Эрскин Бобур ҳаётини кўп йиллар давомида ўрганиб ёзадики, инсоният фаолиятининг барча соҳасида “осиёлик шаҳзодаларнинг ҳеч қайсиси Бобурга тенг келолмайдиган ва унинг ёнига қўйиш учун лойиғини топмаймиз”. Шунинг учун ҳам Жавоҳирлаъл Неру уни “дилбар шахс” деб атаган эди.

**Толе йўқи жонимга балолуғ бўлди, Ҳар шиниқи айладим, хатолиғ бўлди. Уз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим, Ё раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.**

Адабиётшуносларимиз таъкидлаганидек, тарихда ҳеч бир шох ўзи ҳаётдан кўз юммай туриб, тож-тахтни фарзандига топширмаган. Ҳеч бир шох ўзи ҳақида бор ҳақиқатни, хато-камчиликларини ёзиб қолдирмаган. Аммо шундай қила олган қомил инсон юрдошимиз Захриддин Муҳаммад Бобурдир.

Бобур афоризмлари унинг мардонавор инсон эканини исботлайди: “Ёмон от бида тирилгандин, яхши от билан ўлган яхшироқ”, “Урнига қараб, гулга — гул, тиканга — тикан бўл”.

ТАДҚИҚОТ

Бугунги ва келгуси авлод буюк аждодимиз Захриддин Муҳаммад Бобур сиймосини улуғ шоир ва давлат арбоби, қомусий асар муаллифининг “Бобурнома” китоби билан бир қаторда атоқли адиблар Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романи, Хайриддин Султоннинг “Бобурийнома” маърифий романи каби қатор бадиий, илмий-оммабоп асарлар орқали ёрқин тасаввур этадилар. Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика университетини тадқиқотчиси, филолог олима Юлдуз Каримова-нинг “Бобур образининг лиро-эпик ва эпик талқини” деб номланган монографиясини мутлола қилган ўқувчи буюк аждодимизнинг ўзига хос янги қирраларини кашф этади.

ликдир. Зеро, ўтган аср адабиётига назар ташласак, Бобур мирзо адабий меросига, шахсиятига мурожаат қилиш жадид боболардан Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Абдулхамид Чўпон, Абдурауф Фитрат ижодида ҳам қузатилди. XX асрнинг иккинчи ярмида атоқли адиблар Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романи ва Хайриддин Султоннинг “Бобурий-

ЗАМОНАВИЙ АДАБИЁТДА

БОБУР СИЙМОСИ

нома” маърифий романи. “Саодат соҳили” кассаси улкан воқелик бўлганини кенг китобхонлар оммаси бирдек эътироф этмоқдалар.

Мазкур илмий тадқиқотнинг мақсади — ўзбек адабиётида Бобур мирзо образи бадиий талқинини тадрижий изчилликда очиб бериш, даврлар силсиласида шох ва шоир Бобур мирзо шахсига ёндашувдаги етакчи тенденцияларни аниқлаш ҳамда уларнинг талқинга таъсирини кўрсатиб беришга қаратилган.

Адабиёт ихлосмандларига яхши маълумки, таникли адиб Хайриддин Султоннинг “Саодат соҳили” кассасида трагик моҳият асар бадииятини, образ ҳаққониятини таъминлагани сезилиб турибди. Тадқиқотчи ўз илмий ишида муаллиф танлаган йўлни теран илмий таҳлил этишга ҳаракат қилади. Шу аснода илмий ишда биографик, қиёсий-тарихий, социологик, психологик таҳлил усулларидан етарли даражада фойдаланилган.

Монографияда “Саодат соҳили” кассаси бадиий трагизм муаммоси нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Унда қахрамон, давр, муаллиф тра-

гизми қаторида “трагик рецепция” назарий тушуничасига илмий нуқтаи назардан теран ва холис баҳо берилди. Бобур мирзонинг трагик қахрамон сифатидаги маънавий-руҳоний қиёфаси аниқлангани эътироф этилади. Унда Бобур мирзо образи яратилган асарларда ҳар бир даврга хос тамойиллар теран таҳлил этилган. “Бобурнома”да муаллиф образи ҳамда унинг зоҳирий

ва ботиний қатламларининг асосланмиши илмий ишнинг ўзига хос ютуғи ҳисобланади.

Муаллиф Бобур мирзонинг “Бобурнома” асарида автобиографик мемуар талқин қай даражада намоён бўлганига алоҳида эътибор қаратади. Унда тарихий фактлар поэтик руҳ ила тасвирлангани таҳлил этилади. Бобур мирзо сиймосининг эпик тасвирини ўрганишда “Бобурнома” ва “Юлдузли тунлар” асарлари қиёс ва талқин этилиб, “Хайриддин Султоннинг “Саодат соҳили” кассасида трагик қахрамон — Бобур мирзо руҳияти тадқиқ қилинади.

Шу ўринда айтиш жоизки, “Юлдузли тунлар” ва “Бобурнома” асарлари қиёсий таҳлилига оид илмий ва илмий-оммабоп мақолалар кўп ёритилган. Юлдуз Каримова бу мавзунини анча чуқур ва теран очиб бергани эътиборга моликдир. Муаллиф адиб Хайриддин Султон ижодида Бобур мирзо образи муҳим ўрин тутишига алоҳида эътибор қаратар экан, таниқли адибнинг “Йўлбарсинг туғилиши”, “Ой ботган паллада”, “Панох”, “Тавба” каби хикоялари, “Бобурнинг тушлари” бадиҳаси, “Саодат соҳили” кассаси, “Бобурий-



фалсафасининг талқинидир.

Тадқиқотчи ўз илмий таҳлилида адиб Хайриддин Султоннинг “Саодат соҳили” асарида нафс, кибр, мунофиқликни инсоний қамолотнинг залолати, “Тенгри қошида осий” қолишини сабаби деб билган Бобур мирзонинг ботиний дунёсини ўқувчига ёрқинроқ кўрсатиш учун Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарида фойдаланганини теран ифодалаб беради. Инчунин, “Саодат соҳили” кассасида Бобур мирзо фожейиғини ичдан ёритиб турган яна бир сиймо Бобоқул — Бахштурк образи эканлиги таҳлил этилиб, адиб асарда Бобоқул — Бахштуркнинг руҳий ҳолатини, ғайришуурий хатти-ҳаракатларини ҳам Ҳофиз Кўйикий назаридан ўтказиб, унинг ақл-тафаккур тарозисига қўйиб, ўқувчига тақдим қилади, деган хулосага келинади.

Муаллиф таҳлилига кўра, адиб Хайриддин Султоннинг “Саодат соҳили” кассасида Бобур мирзо умрининг сўнгги йиллари қаламга олинганлиги учун ҳам трагик пафос асар бадиийлигини, образ ҳаққонийлигини таъминлашга тўлиқ хизмат қилган. Қисса бадиий концепцияси, асосан, Бобур мирзо ва Ҳофиз Кўйикийнинг одам ва олам ҳақидаги фалсафий, маънавий, диний ва дунёвий суҳбатлари мағзида очилади. Бобур мирзо шахсининг фожелиги ва айтиш пайда улугворлиги ҳам асарнинг шу суҳбатлар фониди намоён бўлади.

“Бобур образининг лиро-эпик ва эпик талқини” монографиясида қайд этилганидек, беш асрдан зиёд вақт ўтибдики, маърифатли дунё Бобур мирзонинг бир зум бўлса ҳам унутгани йўқ, ақсича, уни билиб, ўрганиб, англаб, қаломидан қамол топиб, маънавият пиллапояларидан юқорилаб бормоқда.

Тўлқин ЭШБЕК,  
Мирзо Улугбек номидаги  
Ўзбекистон Миллий университети  
журналистика ва ўзбек филологияси  
факультети доцент, филология  
фанлари номзоди.

ТАҚДИМОТ

Бугунги глобаллашув замонида тезкор ва аниқ ахборотларни халқимизга тўғри етказиш, маълум воқеаларга нисбатан таҳлилий ва танқидий ёндашиш, халқ манфаатларини ҳимоя қилиш ва давлат билан жамият ўртасида кўприк бўлишдек маъсулиятли вазифани бажарётган журналистика соҳаси вакилларининг маъсулияти жуда катта.

Ўз навбатида ана шундай маъсулият ва заҳмат билан битилган журналистик материаллар, айтилик, турли нашрларда эълон қилинган, улар нашрларнинг саргайган саҳифаларида қолиб кетмаслиги, доимий ўқишлиги, айниқса, бўлажак ижодкорлар учун маҳорат манбаси сифатида хизмат қилиши жуда муҳим масала. Шу ўринда айнан ана шу мақсадда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан "Oltin qalamli jurnalistlar" номли китобнинг нашр этилиши катта воқеа бўлди.

Ушбу китобдан журналистиканинг турли жанрларида битилган энг сара материаллар ўрин олганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки бугунги кунда очерк, эссе, фелетон, суҳбат ва лавҳалар ёхуд "журналистик суриштирув" рункидаги долзарб мақолаларни ҳар кунги ҳам матбуот нашрларида учратмаслигимиз мумкин.

Хулласи калом, жорий йилнинг 11 февраль кунини Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ана шу китобнинг тақдимоти бўлиб ўтди.

Айтиш жоизки, ушбу китоб давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 27 июндаги "Оммавий ахборот воситаларини кўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарориди белгиланган вазифалар ижроси доирасида минг нусхада чоп этилди.

Мазкур китобда нафақат пойтахтда яшаб ижод қилаётган, балки узоқ йиллардан буён юртимизнинг турли ҳудудларида журналистика соҳасида фаолият олиб бораётган 50 нафарга яқин маҳоратли журналистларнинг энг сара публицистик материаллари жамланди.

Тақдимотда медиа соҳа вакиллари, оммавий ахборот воситалари раҳбар-ҳодимлари, фотожурналистлар, жамоатчилик вакиллари ва талаба-ёшлар иштирок этди.

"Oltin qalamli jurnalistlar" китобида таниқли адиб Хуршид Дўстмухаммаднинг "Уч фарас", устоз журналистлар Уткир Раҳматнинг "Бир-



лаштирувчи куч", Карим Баҳриевнинг "Мен нега Шавкат Мирзиёевга овоз бераман?" деб номланган публицистик мақолалари, бундан ташқари, Аҳмаджон Мелибоевнинг "Биринчи сабоқ", Фармон Тошевнинг "Шамси Назаров ким бўлган эди?", Маматқул Ҳазратқулловнинг "Боқудан Боқуга" деб аталган очерклари, Абду-саид Кўчимов, Сафар Остонов, Қулман Очил, Аҳрор Аҳмедов, Эшқобил Шукур, Хусан Эрматов қаламига мансуб эсселар, Мухаммад-жон Обидов, Исмаи Хусев, Ҳалим Саид сингари элимиз яхши биладиган ижодкорларнинг журналистик суриштирув йўналишидаги мақолалари ўрин олган. Ушбу салмоқли тўпламдан Одил Ёқубов, Эркин Аъзам, Анвар Жўрабоев, Анвар Абдувалиев, Норқобил Жалил, Нурилоҳ Остон каби адибларнинг энг ўқишли суҳбат, памфлет ва лавҳалари ҳам жой олган.

Фотожурналистика бўйича тажрибали фото-мухбирлар – Абдуғани Жума, Алимурад Мадаминов, Хусниддин Ато ва бошқаларнинг турли ракурслардан олинган 70 га яқин суратлари ҳам жой олганлиги эътиборли.

Китоб тақдимоти Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи Холмурад Салимов олиб борди. Тақдимотда бир қанча устоз журналистлар сўзга чиқди.

Салим Дониёров — "Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари бош муҳаррири:



— Ушбу китоб тақдимоти журналистиканинг фаолиятида алоҳида ўрин тутадиган воқеа, десак, адашмаймиз. Унинг чоп этилиши ва тақдим этилиши ҳеч иккиланмасдан маҳорат мактабига кириш дейиш мумкин. Чунки ундан ўрин олган мақолалар, очерк ва эссе-

лар, умуман ҳар бир материал, айниқса, ёшлар учун катта маҳорат дари бўлишига шубҳа йўқ. Китобни кенгроқ тарғиб қилиш ва уни кўпроқ одамларнинг мутолаа қилишига кўмаклашиш мақсадида электрон шакли ҳам ҳавола этилса, яхши бўлар эди.

Хусан ЭРМАТОВ — "Ishonch" ва "Ishonch-Doverie" газеталари бош муҳаррири, сенатор:



— Ушбу китоб бугунги кунда босма нашр журналистикаси учун ойна вазифасини бажаради. Ҳозирги пайтда оммавий ахборот воситалари саҳифаларида, хусусан, босма нашрларда чоп этилаётган мақолаларга нисбатан кўпинча турли эътирозлар билдирилмоқда. Аслида ҳам газеталаримизда бир пайтлардагидек ўткир фелетонлар, очерклар, "журналистик суриштирув"лар камайиб кетган. Аммо журналистиканинг барча жанрларида ўзига хос мактаблар яратиб кетган устозларимиз бор. Уларнинг асарларидан ҳам намуналар китобнинг кейинги нашрларида ўрин олиши керак. Қолаверса, бу китобни нафақат журналистика соҳасига дахлдор инсонлар, балки турли касб эгалари, зиёлилар ўқиши керак.

Хуршид Дўстмухаммад — ёзувчи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими: — Қаердаки журналистика борасида энг од-

дий гап айтилса ҳам, мақсад битта бўлиши керак: бу — журналистиканинг обрўсини, қадри кўтарishi. Ушбу "Oltin qalamli jurnalistlar"



китобидан кутганимиз ҳам журналистиканинг нуфузини, аҳамиятини янада оширишга қаратилган ишлардан бири, десак бўлади. Китоб мундарижасини кўрган одам: "Ие, шунча журналистларимиз, қалами олтин фидойиларимиз бор экан-ку!" дейиши шубҳасиз. Ана шу жиҳатдан мазкур китобни ҳеч иккиланмай "дунёда ягона тўплам!" дейиш мумкин. Унга ўзининг ҳам мақолам киритилган. Устозларда бир гап бор: "Газетада мақоланг чиқдими, икки марта ўқи" деган. Ҳозиргилар ўқийдими, йўқми, мен ўқиб жуда хурсанд бўлдим. Мақолалар кимгадир далда, туртки бўлармикан, фикрлашга, ўйлашга ундармикан деб ўйлаб қолдим. Мен Уюшма фаолиятига омад тилайман. Олтин қаламли журналистлар кўпаяверсин! Бу китоб жавонларда қолиб кетмасин.

Тадбир давомида Журналистлар уюшмаси аъзолигига қабул қилинган бир қатор ижодкорларга журналистлар уюшмасининг аъзолик гувоҳномалари топширилди. Тадбир сўнггида эса иштирокчиларга "Oltin qalamli jurnalistlar" китоби улашилди.

Дарвоқе, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан ушбу хайрли лойиҳа асосида ҳар йили "Oltin qalamli jurnalistlar" сериясида ана шундай китоблар нашр этилиши маълум қилинди.

Гулнора ШЕРМАТОВА

АВВАЛИ

ТУГАНМАС ХАЗИНА

Китоб — бебаҳо бойлик. Кутубхоналар — туганмас хазина. Фойдаланганнинг сари қиммати оша ошадики, асло камаймайди.


Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг кўлэмалар, ноёб ва алоҳида қийматга эга нашрлар фондида сақланиб келинаётган XIII-XIX асрларда яратилган нодир кўлэмалар, китоблар, альбомлар, энциклопедиялар, лугатлар ҳам шунақа. Улар нафақат маҳаллий, балки Марказий Осиё мутахассислари томонидан бой фондлардан бири эканлиги эътироф этилган. Шу билан бир қаторда, фонdda сақланаётган илк чоп этилган газета ва журналлар тадқиқотчилар томонидан қизиқиб ўрганиладиган манбалардан бири ҳисобланади. Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Қодирий, Авлоний, Фитрат, Чўлпоннинг ҳаётий даврларида нашр қилинган асарлари улар меросини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Туркистон маърифатпарварларининг отаси Маҳмудхўжа Бехбудий миллатнинг кўзини очмоқ, уни асрий куллик кишанларидан озод этмоқ йўлида "Самарқанд" газетасини, "Ойна" журналининг нашр қилган. Уларда эълон қилинган мақолалари орқали Туркистон муслмонларини дунё ақли аълолидан оғох этди, тараққиёт ва озодликнинг ёрқин йўллари кўрсатиб берди. Туркистон маърифатпарварлари орасида биринчи бўлиб ўзбек тилида "Падаркуш" номли драма яратди ва ўзбек драматургиясининг пойдевори кўйди. Уша давр мактаблари орасида янгиланган саналиб, кўпчилигининг эътиборини қозонган усули жадид мактабларининг биринчи назариётчи ва амалиётчиларидан бўлди.

Миллий кутубхонада сақланаётган "Туркистон виллоятининг газети"нинг 1908 йилги 22 июнь сонида Бехбудий имзоси билан "Об открытии мусульманской библиотеки-читальни — мутолаахона" деган мақола босилган. "Самарқандда умумий мутолаахона — библиотека, читальни оғох учун ўн икки нафар мухтарам кишилар ила бирга 27 боддан иборат бир дастур, устаф тузиб, жаноб балеанд даражалик Самарқанд губернаторига топшуруб адуқи, иншоолло, қонуннома жамияти мустаҳкам бўлди", деб ёзади Бехбудий.

Шундай қилиб, Самарқандда очилган биринчи муслмон кутубхонаси катта бир шижоат, завқ-шаъқ билан ишлай бошлади. Зиёнонинг китоб фонди ўзига яраша бойиб боради. Дастлаб бой ва савдогарлар бу жойга Қуръони карим ва бошқа диний китоблардан соғва қилади. Кутубхонага меҳри тушиб қолган Самарқанднинг бой-савдогарлари иона ва хайриялар қила бошлади. Бехбудий имзоси билан бундай саховатпеша ва маърифатпарвар кишиларнинг узундан-узоқ рўйхати берилиб, олқишлар билан ёзиб борилди. 1908 йилнинг охиригача келиб, кутубхона ишлари яхши изга тушиб кетди. Буни биз "Туркистон виллоятининг газети"нинг 1909 йил, 15 январда "Самарқанд китобхона ва мутолаахона исломиясининг 1908-чи йил ҳисобномаси" сарлавҳали Бехбудий мақоласи орқали биламиз.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фондида сақланиб келинаётган буй маданият ва маърифат



Маҳмудхўжа Бехбудий нашр қилган "Ойна" журнали ва "Самарқанд" газетаси.



фий мерос билан ёшларимизни, мутахассисларни, профессор-ўқитувчиларни яқиндан тадқиқотириш, уларга мазкур ресурслардан тадқиқот объекти сифатида фойдаланишларига кенг имкониятлар яратиб берилган. Маҳмудхўжа Бехбудий муҳарриридаги чоп этилган "Самарқанд" газетаси, "Ойна" журнали, Бехбудийнинг маърифий, таълим-тарбияга оид, муслмонларни маданий ва замонавий билим олишга ундовчи мақолалари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Туркистон жадидларининг раҳнамаси Маҳмудхўжа Бехбудий ҳазратлари асос солган ва муҳаррирлик қилган биринчи миллий, ҳафталик, суратли журнал — "Ойна" фондида сақланаётган нодир нашрлардан биридир. Бу журнал ўлка халқларининг фикрий уйғонишига катта ҳисса қўшди. Туркистон ва Бухородан ташқари, Зиё Саиднинг кўрсатишича, бу журнал "Кавказ, Татаристон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Туркияга тарқалар эди".

Журналнинг биринчи сони 1913 йилнинг 20 августида дунё юзини кўрган (ҳижрий йил ҳисобида 1331 йилнинг 1 шавволи). Б.Газаров ва К.Спьянов литографиясида босилган. Жами 68 та сон чиққан. Охириги сони 1915 йилнинг 15 июнида чоп қилинган. Унинг илк сонидан жой олган Бехбудийнинг "Туркистон" сарлавҳали мақоласида ўлканинг географик, маъмурий тавсифи берилган. Аҳолиси, виллоятлари, уезд ва санжолқлари ҳақида ёзилган. Унинг "Шердор мадрасаси" сарлавҳали мақоласи эса Шердор мадрасасининг юзага келиш тарихи, бинонинг тархи ва архитектура жиҳатидан ўзига хосликлари ҳақида маълумот беради. "Икки эмас, тўрт тил лозим" деган машур мақоласида Маҳмудхўжа Бехбудий туркистонликлар ижтимоий турмуш шароитларига кўра, тўрт тилни билишлари лозимлигини далиллар билан исботлаган. Шунингдек, Васфийнинг "Танбех ва баёни воқеъ" деган

мадраса ва мударрислар тўғрисидаги; Миллийнинг "Илтижо" деган миллат аҳволи ҳақидаги шеърлари; Фахриддин Рожийнинг "Ойна чист?" — "Ойна" журнаliga тавсифий баёни ҳамда шеърли ўқувчиларда қизиқиб уйғотган. Саҳобалар касб ва тижоратга қандай муносабатда бўлишгани ҳақидаги мақола, Усмонли доктор Басим Умар пошонинг "Тутун" номли асаридан қисқартириб берилган "Тутун ёнми тамоку" деган парча, банкдан майда қарз олиш тартиби ва оқибатлари тўғрисидаги Маҳмудхўжанинг "Майда қарз" (Мелкий кредит) каби ижтимоий, иқтисодий, фанний, журафий, адабий материаллар журналнинг қизиқарлигини оширган.

"Ойна" журнаli маърифат ва маданият тарқатишда жуда катта хизмат қилди. Унда миллат ва унинг ҳақ-хуқуқи, тарихи ва тил-адабиёт масалалари, дунё аҳволига доир қизиқарли мақолалар, баҳслар бериб борилган. Айниқса, тил масаласи муҳаррирининг ҳаммаша диққат марказида турди. Бехбудий миллатнинг тараққийси учун бир неча тил билиш шарт деб ҳисобларди.

Умида ТЕШАБОВЕВА, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори.

АЧЧИҚТОШ



ПИАР ВАСВАСАСИ

PR (пиар) — хорижий икки сўзнинг қисқартирилган (бош ҳарфларидан олинган) шакли бўлиб, "Public Relations" — жамоатчилик билан алоқа деган маънони англатар экан. Лекин бизда...

Идорага янги раҳбар келди. Мажлис ўтказди. Фақат ўзи гапирди, бошқаларга оғиз очирмади. Тушлик вақти ўтди, лекин ҳеч кимни йиғиндан чиқаришга қўймади. Янги раҳбар "маҳорат дарси"ни ҳадеганда тугатай демасди. Аммо кимдир бу ёқда идора иши қолиб кетаётганини юрак ютиб айта олмасди. Ниҳоят, раҳбар ўз "амри маъруфи"ни тугатар экан:

— Ҳеч ким идорадан чиқмайди. Тушликни кечки овқатланишга қўшиб, бир йўла уйларингда қиласизлар, — деди.

Кейин маънавият ва ахборот ишларида маъсул ходимни чақирди.

— Нега телевиденини чақирмадингиз?  
— Оддий мажлис бўлса...  
— Маҳмадналик қилманг, менданам ақллими-сиз?  
— Йў-э, унақа демадим...

— Ундан кейин, нега блогерлар ҳам йўқ?.. Папашангиз! Шу пайтатга қандай ишлаб келгансиз, ҳайронман. Ишда қолиш-қолмаслигингизни ўйлаб кўришим керак, — ҳар сўзидан ўғ отиб, удагайларида бошлик.

Ходим ҳеч нима дедилмай қолади, нимаям дерди, раҳбар янги бўлса...  
— Гап бундай: бугунги мажлис энг зўр ижтимоий тармоқларда чиқсин! Расмига олиб турувдингиз, ҳа, расмлар кўпроқ бўлсин. Ҳамама тасвирларда биринчи планда мен бўлишим шарт. Кўп узун гап керакмас, лекин сарлавҳада исм-шарифим, обявастам, кўрсатилсин! Давайте, действуйте!...  
Ходим ўзи танган блогерларга кўнғироқ қилади. Оҳхо, уларнинг-да димокларга булувларни искайди!..  
— Мушук текинга офтобга чиқмайди. Бошлигингизга айтинг, биз билан йиллик шартнома тузсин. Блогерларнинг "подписчик"лари сонига қараб тўлов қиласиз, — шарт қўяди кетмони унган блогер.  
— Хўп... Сиз қанча сўрайсиз?  
— Қирқ "лимон", камайятири йўқ...  
...Иш одатдагидан, яъни қонунда белгиланган иш вақтидан анча кеч тугайди: ходимлар борлик зимистона қоршиган паллада идорани тарк этишади.

Энди тасаввур қилиб кўринг: Илгари саккиз соатлик ишдан кейин доимо уйда бўлган, булун эса болалари урлаб қолган паллада оstonада пайдо бўлган аёл эридан калтак этили. Овқат қилинмаган, хоналар йиғиштирилмаган.

— Эртагаёқ ишдан бўшайсан! — қичкиради эр пиёлини деворга отиб синдираган...  
Хўп, бу тасаввур дейлик. Лекин кимдир бола-сини, набирасини боғчадан олиши керак бўлган одатдаги вақт ўтиб кетди... Болажонлар кутиб қолганини ўйлаб, қулгоғига гап қирадим, асаблари бузилмайдими?

Ҳақиқат — аччиқ. Юқорида тилга олинган воқеа бугунги пиарбозлиқнинг қиёфасини ифода этиб турибди. Афсуски, бундайлар йўқ эмас. Ҳар қалай, курсига ўтирган айрим раҳбар ходимлар мана шундай таассурот қолдираётгани бор гап.

Ҳамзабек ТУРДИЕВ, журналист.



# ДАҲОЛИК БУРЖИ

Унинг туғилиши тахликали дамларга тўғри келганди. Соҳибқирон Амир Темур жану-би-гарбий Осиё мамлакатларида эмин-омонлик ва халоскорлик юришларини давом эттириб, Мордин қалъасининг фатҳида тўхтади. Буюк ипак йўлидаги шаҳар ва қалъаси савдо карвонлари йўналишида муҳим нуқталардан ҳисобланиб, унда ўрнашиб олган тўдалар йўловчиларга катта ташвиш орттирардилар. Қалъа муҳофазаси ҳам пухта ташкил қилинган бўлиб, қарийб уч ойдан бери дарвозаларини зафарнишон Самарқанд қўшинига очмай, мустаҳкам қаршилик қиларди.

Ниҳоят, жами кучлар сафарбар қилиниб, ҳал қилувчи юришга киришилди. Еру осмонни ларзага келтирган зарбага дош бера олмай алалоқибат қалъа таслим бўлди. Соҳибқирон ортиқ газабланган, бу жанг шафқатсиз бўлиши кутилаётганди. Аммо фалакнинг шафқат буржи заминга юз бурган эканми, вазиёт бутунлай ўзгариб кетди.

Султония шаҳридан хушxabар келтирганди (Соҳибқироннинг муваққат ўрдуси сафар асносида шу шаҳарда танда кўйганди). Топлеи баланд амирзода Шохрух Мирзога Яратган тўнғич фарзанд ато этган — ўғил билан сийлаган эди. Бу хабар ҳазратнинг қаҳр билан тўлган қалбига шундай меҳр улашдики, борлиқни зеру забар қилиб ташлайдиган куч дунёни яшнаатадиган қувватга айланди.

Соҳибқирон янги зурриётнинг дунёга келгани хабаридан бағоят шодланди, шу кайфиятининг суюнчиси сифатида қалъа мудофаачиларини кечирди, жами асирларни озод қилди. Соҳибқироннинг қалби қандайдир тилоҳи нурдан мунавар тортган, мурғак жон тилсолида ер юзига янги бир илтифот мушарраф бўлганини сезганди гўё. Қувончини дилбандга исм танлашда ҳам намоеън эди, шуури билан ўтган сару сомон кунларини ёдига олди, яқинларини эслади. Қовоқлари тўлишиб, мижжаларига ёш қалқди ва тўлланган ашрофга тантана билан:

— Набирамининг исми Муҳаммад Тарағай бўлади, — деб эълон қилди. Таомил бўйича, зурриётларга Соҳибқироннинг ўзи исм қўйишига одатланган ахли ҳашам ва ахли ҳарам бу қарордан тўлғаниб кетди. Ҳазрат улўғ марҳамат кўрсатган, болажонга отасининг исмини нисор этган эди.

Ҳа, мўътабар бобонинг илфити бежиз бўлмаганини келар йиллар тасдиқлади. Уша лаҳзалар инсон қавмининг толеи кулган, демак, қуёш кулган кун эди — ҳижрий 796 йил жумадул-аввал ойининг 19-куни (милодий 1394 йил 22 март)да бўлажак қомусий олим, фан тарихидаги ўн йирик алломининг бири, қирғил йил салтанатини бошқарган ҳукмдор, Темурийлар сулоласининг ифтихори Муҳаммад Тарағай — Мирзо Улуғбек туғилган эди.

Кейинчалик ҳам Соҳибқирон бу набирасига алоҳида муносабатда бўлди. Аввало, унинг тарбиясига жиддий эътибор қаратди, гўдакни саройда мавқеи энг баланд малика — Сароймулкони ихтиёрига берди, баҳодир Шохмаликни эса отабеги (бек-атка) этиб тайинлади. Сафарлари асносида қадами етган жойлардан ноёб китобларни махсус саралаб, Улуғбек учун пойтахтга жўнатиб турди. Шаҳзода эсини танигач, юртдаги муқаддас қадамжоларни, муборак обидларнинг бир-бир кўрсатди, Мароғада жойлашган Розий, Носириддин Тусий сингаро, Элхонийлар давридаги энг йирик расадхоналарга ташриф ёш Улуғбекда ўзгача таассурот уйғотган бўлса керак, воёга етгач, асосий фаолиятини осмон илмига бағишлади.

Мирзо Улуғбекнинг шарафли умри шу тахлит йўналиш олди. У, бир сўз билан айтганда, бобосининг умиди, келажакка йўлчириги эди...

Албатта, бу фахрли аждоимиз ҳақида турли жанрларда кўп битиклар ёзилган, фильмлар ишланган, сахна асарлари қўйилган, ранг-тавир намуналари яратилган, мусиқа асарлари басталанган ва бошқа санъат турларида унинг мадҳи васф этилган. Неча асардики, Улуғбекнинг шуҳрати маърифат аҳлини лол қолдириб келмоқда, иншооллох, бу ҳол инсоният тамаддуни бўйи шараф билан давом этгусидир. Биз бу ўринда ана шу машҳур инсон ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ, нисбатан кам эътибор қаратилган нуқталарга диққатни торттишни мақсад қилдик.

Шуниси борки, яна бир бора таъкидлаш ноўрин бўлмас, Мирзо Улуғбек — Муҳаммад Тарағай бугунги кунда кўпроқ жамоатчиликнинг эътиборида бўлган Иккинчи Ренессанс деб юритилаётган тамаддунга пойдевор қўйган Соҳибқирон Амир Темурнинг тиззасига ўтиргизиб, аркалатиб улгайтган набираси эди. Турмуш тарзимиздаги бу оддий ҳолатни (негаки, бобо дегани борки, набирасини тиззасига ўтиргизиб аркалайди-да, яна “Хўйио-оббо” — эркаклар алласини айтади!) атайлаб бўрттиришимизнинг боиси, ҳамма бобо ҳам Соҳибқирон эмас, Соҳибқирон бўлганда ҳам бирон Соҳибқироннинг набираси шон-шавкатда Улуғбекдек юксакликка кўтарилмаган. Шу жиҳати билан мазкур бобо-набира мўъжизаси тақдорланмасдир.

Бу давр инсоният учун нимаси билан қадрли, улар инсоният тамаддуни нима берди, деган саволлар қўйилса, ана шу икки зотни эслаш кифоя. Яна бир нодир жиҳат шундан иборатки, даҳоларнинг бири (Мирзо Улуғбек) бевосита буюк давлат арбоби Амир Темурнинг тўғридан-тўғри зурриёти — набираси. Ҳамма бойлар, ҳукмдорлар авлодининг машҳур бўлишини истаиди, бироқ ҳаммага ҳам бу бахт насиб этмайди. Олмос қиррали ис-



теъдод ва фаолият соҳиб Соҳибқирон Амир Темурга бундай толе ҳам насиб этганди!

Тарихдан маълумки, аллома ва ҳукмдор Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти зиддиятлар ичида ўтган. Бу ҳол, аввало, унинг ҳаёт тарзи, у танлаган йўлнинг маъсули эди. Яъни олим сифатида у эркинлик тарафдори эди, чунки тафаккур қанча эркин бўлса, илмда ва таҳайюлда шунча кенг қамровни забт этади. Одми тасаввур оламида ташқарига чиқмай, юксакка кўтарилмай, нарсаларнинг моҳиятини тўла ва теран англаш мумкин эмас. Фаннинг табиати ижодкорликни талаб қилади, ижоднинг бош шарты эса — эркинликдир. Шунингдек, ўзи эркин бўлмаган одамнинг тафаккури ҳам эркин бўла олмайди.

Ҳукмдорлик эса қарор топган ақидаларга амал қилишни, босиқ-вазмин яшаш тарзини тақозо қиларди. Гўё бир томон олов, иккинчи тараф эса сув эдики, бу қарама-қарши ўзанда оқиш осон эмас эди. Бундай ҳол эса мутаассиб зотларга, ақидалараст сарой амалдорларига ёқмаганлиги бор гап. Бу ҳол ҳатто катта-катта фитналарга олиб борган.

Улуғбекнинг фарзандлари ҳам “отасининг пешонасини терлатиб” қўйгани, яъни тинччилик қўйгани йўқ. Катта ўғил Абдуллатиф гарчи истеъдодли бўлса-да, иззатталаб бўлиб воёга етди, ҳатто баъзи соҳаларда ўзини отасидан устун кўярди. Воёга етгач, бувиси Гавҳаршодбегимнинг муносабатлари туфайли аламзадалик кайфиятини орттирди. Кичик ўғил Абдулазиз эса эрка, тантик, маишатга ўч бўлиб ўсди.

Хуллас, бундай зиддиятлар йиллар ўтган сайин кучайиб ва чуқурашиб борди. Жонли ҳаёт эса бу гулханга мой қўйиб турарди: турли кайфиятдаги ташқи кучлар таъсирида муносабатлар кескинлашиб бораверди. Гарчи Мирзо Улуғбек 40 йил муттасил подшолик қилган бўлса-да, умри давомида бетимсол илмий салоҳиятини ҳукмронликда, яъни давлатни бошқаришда тўла-тўқис намоийш эта олмади, офтобдек қароғон ақл шами сарой зулмати қуршовида хира тортиб, тафаккур ва истеъдод ҳокимият хуружлари қаршисида чорасиз қолди, яъни бир қинга икки қилч — олим ва подшолик сиғмади, бир қўлда икки кемани тутиб туриш имкони бўлмади.

Айниқса, Мирзо Улуғбек умрининг охирида иштироқлар жуда кескинлашиб кетди. Подшоҳни пойтахт Самарқандга киритишмайди (шаҳар ҳукмдор ўғли Абдуллатиф ва унинг тарафдорлари қўлида эди). Ҳатто Тошкент яқинидаги Шохрухия шаҳрида турган амакилар ҳам Улуғбек султонга илтифот кўрсатишмайди. Яна Самарқандга қайтиб боришда, Ниҳоят, Абдуллатифга инсоф қилиб, отаси ва унинг ҳамроҳи, укаси Абдулазизни қабул қилади. Богимайдонда “ота ва ўғил қучоқлашиб кўришадилар” (Бўрибой Аҳмедов), кечқурун зиёфат уюштирилади.

Абдуллатиф тўрда, отасидан юқорида ўтирди, аммо зиёфат совуққина ўтади. Улуғбек тахтни Абдуллатифга топширмоқчи, ўзи илм-маърифат билан шуғулланмоқчи эканини айтади. Қолаверса, мусулмончилик фарзларидан ҳаж зиёратига бориш мақсади борлигини маълум қилади. “Ота-бола суҳбати шу билан тугади. Балки кўп нарсалар тўғрисида гурунлашишга майлларни бўлгандир, лекин гаплари қовушмади” (Б. Аҳмедов).

Кейинчалик маълум бўладики, айни лаҳзаларда тақдир ҳукми ўқилган, зимдан Улуғбекни бартафат этиш режаси ўйланаётган эди. Гарчи бу муҳим тадбир подшо Абдуллатифга маълум бўлса-да, у бухронни тўхтатиб қолишга ожиз, деярли қаршилик кўрсатишга ҳам мойил эмас эди. Уни вақтинча тахтдан бўшатадилар, қадимки сарой одатларига кўра мўғуллардан Мўғулқ исмли кимса кўчирчоқ хон сифатида тайинланади.

Шаҳар аъёнлари иштирокида машварат чақирилади, унда Улуғбек тахтдан маҳрум қилингани, кимнинг унга даъвоси бўлса, хонга арз қилиши мумкинлиги айтилади. Сўлдус уруғидан Аббос деган девсифат йигит унинг отаси бегуноҳ қатл этилгани ва у хун талаб қилишини маълум қилади. Уламолар жамоаси даъвоини муҳокама қилишга киришадилар. “Хон шаръини нима бўлса, шуни қилинлар, деб буюрди” (Абдуразақ Самарқандий). Деярли ҳамма бир овоздан “қонга қон” одати Чингизхон ясоғида борлигини таъкидлаб, Аббоснинг

талабини қондиришга овоз беради.

Фақат қозикалон Шамсиддин Муҳаммад Мискин қарши чиқиб, ислом шариятида бу ҳолат рад этилиши, нари борса, дийа (хун ҳақи)га тортилишини маълум қилади: “Ахир подшо кимнидир ўлимга маҳкум этган бўлса, эл-норт эминияти ва рифоҳияти деб қилғон. Модомики шундай эркин, у шарият олдида жавобгар эмасдур”. Аммо мажлис аҳлининг кўпчилиги фикрида қаттиқ туриб олади. Шуниси эътиборлики, манбаларда қайд этилишича, Мирзо Улуғбек машваратларида ҳам улар нуқул ҳукмдор тарафида бўлишар, фақат қозикалон Шамсиддин Муҳаммад Мискин кўп масалаларда таллашиб-тортишар, подшога қарши чиқарди. Бу сафар ҳам ҳамма тахт эгасига қўлуқ қилаётганди. Шундай қилиб, фатвога жами қозилар муҳрларини босдилар, фақат қозикалон бу ишни қилмади. Барибир кўпчилиқнинг фикри устун келди ва... қатлга фатво берилди.

Ҳижрий 853 йил рамазон ойининг еттинчиси (милодий 1449 йил 25 октябрь) куни Улуғбек ҳамроҳлари билан Самарқанддан чиқди. Боғишамолни ортада қолдириб, илгари юрганларида бир кичик кўрғонда уларни тўхтатадилар ва машъум ҳодиса рўй беради. Бу ҳақда тарихчи Мирхонд “Равзат ус-сафо” китобида аниқ гувоҳ — Абдуллатиф отасининг сафарига ҳамроҳ қилиб қўшган Муҳаммад Хисравнинг сўзлари билан батафсил маълумот қолдирган.

Уша йилнинг 27 октябри машъум воқеа содир этилган сана сифатида солномаларда қора ҳарфлар билан ёзилди. Буюк олим Мирзо Улуғбекнинг қатл этилиши инсоният тарихининг энг машъум лаҳзаларидан бири эди. Шу дамда гўё қуёш куйганди. Аслида, қуёшнинг мавжудлиги водород ва гелий газларининг тинимсиз ёнишидан иборат кимёвий реакция. Куйиш (ёниш) қуёш учун (қуёшлик учун) одатдаги жараён, аммо “Обисужъ аригининг бўйгинасида жойлашган кичик қалъада” (Б.Аҳмедов) рўй берган ҳодиса пайти, эҳтимол, қуёш юзи ҳам бир зум қорайгандир.

*Аристотил ва Афлотун ва Битлимус ва Жолинус, Рибзи ҳашт ва ҳикмат расад иқсир ва Иқлидус, Али Сино ва Файлакус, Арасту ва Абу Машшар, Бадиъи ва саноъун сенинедек билмоди онлар. Фалак йиллар керак сайр этса ва келтурса илқиға Мениндек шоири турки, сенинедек шоҳи донони,*

деб ёзганди Улуғбекнинг замондоши шоир Сақкокий. Замонлар оша вақт ҳукмини рад этиб, бундай таърифу тавсифлар мангу яшайверади.

Яна Мирзо Улуғбекнинг номини мангуликка муҳрлаган олим илмий кашфиётлари, айниқса, “Зиж жадиди Қўрагоний” асари бўлди. “Зиж”ни яратиш учун подшоҳ ва аллома бутун имкони ятини йўналтирди, дейиш мумкин. Умуман, осмон ёриткичларининг жадвалини тузиш анъанаси мавжуд бўлиб, “Ердаги ҳар қандай ўзгариш олдин фалақда маълум бўлади” тарзидаги космогоник қарашнинг натижаси эди. XV асргача ер юзидаги расадхоналарда Клавдий Птолемей (100-170 йиллар, Миср) ва Кастилия қироли Альфонс X (1221-1284 йиллар) тузган жадваллар обсерваториялар учун асосий қўлланма ҳисобланарди. Шарқда ҳам “Зиж”лар тузилган, фақат улар Птолемей “Альмажиста”сидан афзал бўлмаган.

Самарқандда, Обираҳмат аригининг бўйида бунёд этилган расадхонада қарийб 30 йил давомида олиб борилган кўзатишлар натижасида тузилган Улуғбек “Зиж”и ҳар жиҳатдан мукаммал эди ва шу жиҳати билан тез шухрат қозонди. У форс тилида ёзилган, кўп ўтмай, араб ва турк тилларига таржима қилинган. Кўп олимларнинг саяё-ҳаракати билан ундан парчалар (амалий эҳтиёж ва зарурат нуқтаи назаридан) Европа тилларига ўтирилган, бундай юмуш 1638 йилдан 1917 йилгача давом эттирилган. Асар 1994 йилда профессор Ашраф Аҳмедов томонидан рус тилига таржима қилинган.

“Зиж” икки катта бўлимдан иборат бўлиб, “Муқаддима” ва “Асосий қисм” (4 бобдан ташкил топган. Дастлаб анъанавий ҳамду наът (Аллоҳ ва пайғамбарлар мадҳи) ва Қўрғони қаримдан хос оятлар келтирилади. Сўнгра асарнинг ёзилиш йўсини, унда иштирок этган олимлар — устоз Гийосиддин Жамшид Қоший, Қозизода Румий, “фарзанди аржуманд” (Улуғбек шогирдини шундай деб атаиди) Али Қушчи ва бошқаларнинг хизмати тилга олиб ўтилади. Асосий қисм (1-бўлим 7 боб, 2-бўлим 22 боб, 3-бўлим 13 боб, шу бобда 1018 юлдуз ҳолати акс этган жадвал келтирилган, 4-бўлим 2 боб) — жами 44 қисмдан тузилган бўлиб, уларда эрлар, мучал ҳисоби, ҳандаса, математика фанлари, илми нужум ҳақидаги олимнинг қарашлари ифодаланган.

Асарнинг қўллаб қўлғамалари ва нашрлари ер юзи бўйлаб тарқалган бўлса-да, тўла ҳолда бирор замонавий тилга таржима қилинмаган ва мукамал тадқиқ этилмаган. Жумладан, унинг ўзбекча таржимаси ҳам тўлиқ ҳолда мукамал амалга оширилмаган.

Мирзо Улуғбек ўз кашфиётлари билан Ернинг Қуёш атрофида айланиш даври — йил ҳисобини ўта аниқликда — 365 кун 6 соат 10 дақиқа 8 сония эканини ҳисоблаб чиққанди. Бу ҳозирги ҳисобдан бор-йўғи 58 сония, (бир дақиқа ҳам эмас!) фарқ қилади. Замонавий илм-фан Мирзо Улуғбекнинг хизматларидан космик парвозларни тайёрлашда ҳам фойдаланишган.

Илмда шундай юксак даражага эришган алломанинг номи мангуга қадар барҳаётдир!

ҲАКИМ САТТОРИЙ



## “ОЗОДЛИК РАДИОСИ” ВА “АМЕРИКА ОВОЗИ” ЁПИЛАДИМИ?

“DOGE” — ҳукумат самарадорлиги департаменти раҳбари, америкалик миллиардер Илон Маск “Озодлик радиоси” ва “Америка овози” медиа-корпорацияларини ёпишга чақирмоқда. У бу ҳақдаги хабарни ўзининг “X” (собиқ “Twitter”) ижтимоий тармоғида эълон қилган.

Илон Маск ушбу ташкилотларга нисбатан куйидаги сўзларни ёзиб қолдирган:

“Булар — америкалик солиқ тўловчиларнинг йилга 1 миллиард пулини беҳуда сарфлаб, ўзи билан ўзи гаплашиб ўтирадиган радикал сўл телбалар. Ҳа, уларни ёпиш керак. Уларни ҳеч ким эшитмапти”. Маск аввалроқ АҚШ ҳукумати “Politico”, “The New Times” газеталари ва “Associated Press” агентликларини ҳам молиялаштиришни тўхтатишини айтган эди.

### ТРАМПНИНГ “ДАЪВО”ЛАРИ

“АҚШ президенти Доналд Трамп Канада армия учун етарли пул ажратмаётганини айтди”, деб хабар бермоқда Оқ уй матбуот хизмати.

АҚШ президенти бу мамлакат Американинг ёрдамига умид қилаётгани билан изоҳлади ва у Канадани “АҚШ ёрдамисиз яшашга қодир бўлмаган мамлакат” деб атади.

Канаданинг Американинг кўшиги ҳақидаги гап-сўзлар Трампнинг АҚШ президентлигига киришишидан аввал бошланган эди. Трамп 5 ноябрь куни бўлиб ўтган сайловдан сўнгра, Канадага росмана таҳдид қилишни бошлаган эди.

АҚШ етакчиси Доналд Трамп ўз мамлакатини билан аjoyиб муносабатда бўлган Канада халқини яхши кўришни таъкидлаб, куйидаги сўзларни айтган:

“Агар Канада бизнинг 51-штатимизга айланса, уларнинг солиқлари 60 фоиздан камаяди, бенинслар дарҳол икки баробар ўсади ва улар дунёдаги бошқа ҳеч қайси давлатда бўлмаган ҳарбий ҳимояга эга бўлади”.

### ЭРДУҒАН ИСРОИЛДАН 100 МЛРД ДОЛЛАР ТАЛАБ ҚИЛМОҚДА

Туркия президенти Ражаб Таййип Эрдуған Ҳазодаги вайронгарчиликлар учун тоовон сифатида Исроилдан 100 миллиард доллар талаб қилмоқда. Авалроқ АҚШ президенти Доналд Трамп Ҳазо секторини сотиб олиб, унинг устидан назорат ўрнатилиши ва кейин араб давлатлари билан бирга худудни қайта тиклаши мумкинлигини айтган эди.

“Ҳазодаги вайронгарчиликлар кўлами 100 миллиард долларга баҳоланмоқда. Бунинг учун Исроил ва Нетаньяху ҳукумати жавобгардир. Исроил ҳукумати, аввало, вайронгарчилик учун тўловни амалга ошириши, сўнгра Ҳазони қайта тиклаш жараёнини бошлаши керак”, деди Туркия президенти.

Шунингдек, Эрдуған ислом дунёси мамлакатларини Ҳазо худудини қайта тиклашга имкон қадар хисса қўшишга чақирди.

### ТУРКИЯДА ЦУНАМИ ХАВФИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Туркиянинг Бодрум худудида, Эгей денгизида давом этаётган zilzilalar фондида эҳтимолий цунами ҳақида огоҳлантириш учун сирена тизими ўрнатилди.

Маълумотларга кўра, Эгей денгизида январь ойи охиридан бери zilzilalar давом этмоқда. Тебраниш, айниқса, Грециянинг Санторини оролида сезилган ва сўнгги бир ҳафта ичида оролда яшовчи 15 минг аҳолидан 13 минги уни тарк этган.

Туркия фавқулодда вазиятлар ва табиий офатлар бошқармаси маълумотларига кўра, Эгей денгизидаги сейсмик фаоллик оқибатлари Туркияга етиб бориши мумкин ва цунамини келтириб чиқариши, айниқса, Колумбо вулканининг отилиши хавфи борлигини таъкидламоқда.

### РОБОТЛАРГА ЮГУРИШ ЎРГАТИЛДИ

Хитойлик муҳандислар турли тепаликларда, темирўйларда ва тошлоқ жойларда ҳам ҳаракатлана оладиган янги роботларни тақдим этишди.

Ушбу робот Хитойнинг “Unitree” компанияси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, робот “G1 Bionic” деб номланган. У аллақачон ҳайратланарли тезликни қайт этган. Робот соатига тахминан 7,2 километр тезликда масофани босиб ўта олиш қобилиятига эга.

Қизғи шундаки, роботни бошқариш алгоритмлари инсон ҳаракатларини таҳлил қилишга асосланган. Тизимни ўргатишда турли шароитдаги инсон ҳаракатини қайд этувчи маълумотлар базасидан фойдаланилган. Бирок робот бир марта заряд қилинганда қанча вақт ишлаши номаълумлигича қолмоқда.

Компания келажакда роботларни турли соҳаларда қўллаш учун кенг изланишлар олиб бормоқда.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.



MEXP – ДУНЁ УСТУНИ

# ЗАДАРЕДА ОҚҚАН ҚИЗ

## ёки маҳалла ифтихори Ахрорбек Ортиқовнинг жасорати ҳақида ҳикоя

Қосимхон ака Акбаров — Мингбулоқнинг иззат-обрўли кишиларидан бири. Қалбида нафақат дўст-биродарларга, балки кўпчиликка бирдек меҳр қўрсатишга одатланган ижодкор. Истеъдодларга ҳавас кўзи очик журналист. Давримизнинг илгор ижодкорларидан, туман газеталарининг олд муҳаррирларидан бири. Яқинда у “Нигуғат” газетасига кичкина ахборот юборибди.



Суратда: Ахрорбек Ортиқов (ўнгда) Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев билан.

“Бу хабар қаҳрамони очерк ёзишга арзийдиган инсон экан, рози бўлсангиз, Наманганга бориб, у киши ҳақида ёзиб келсам” деган таклифни айтдим. Қосимхон ака бажонидил рози бўлди. Кўрдингиз, қаламкашлар ичида ҳам сахийлари бор.

Янги қаҳрамонини кидириб, Қамчиқ довоши охири Мингбулоққа бордим. “Чордона” қишлоғи. Ахрорбек Ортиқов беш йилдан буён ушбу қишлоқ фуқаролар йиғинини бошқарар экан.

Қишлоқ худудидан оқиб ўтувчи “Задаре” катта каналлардан бўлмаса-да, оқими ҳам, чуқурлиги ҳам хавфли. Қишнинг совуқ кунларида канал сувидан юзқўлни ювишни тасаввур қилган кишининг этлари жунжикиб кетади.

Идорасида ўтирган Ахрорбекка ўқитувчи аёл кўнграқ қилиб, Задаре каналига бир қиз тушиб оқиб кетаётганлиги хабарини беради. У етти-саккиз дақиқа чамасида воқеа жойига етиб боради-да, фурсатни бой бермай, ўзини сувга ташлайди. Бехуз оқиб кетаётган қизни қирғоққа олиб чиқади. Ўқитувчи аёллар қизни қирғоқдан тортиб олишган, унга ёрдам кўрсатишади. Ажал етмаса, Яратганнинг ўзи сақлар экан. Аллоҳнинг иродаси-ю, Ахрорбекнинг фавқуллодда жасурига сабаб, ўн етти ёшли бўйига етиб қолган коллеж ўқувчисининг ҳаёти сақлаб қолинди. Бахтли тасодифни каранги, қиз оқиб кетаётган худудга бошқа бир касал учун “Тез тиббий ёрдам” гуруҳи чақирилган экан...

Хуллас, ота-онаси ҳали қирқ бешга ҳам кирмаган ўртаҳол бир оила мусибатдан сақлаб қолинди.

Шу воқеадан буён Ахрорбек Ортиқов номи эл озғида. “Сой бўйи” ва “Меҳршоҳ” кўчаларини туташтирувчи кўприк Ахрорбек Ортиқов деган мард ва жасоратли, меҳр ва шафқатли, одамий ва оқибатли эркакни эслатиб турувчи масканга айланган. Воқеадан хабари бор инсонлар шу жойдан ўтганда, кўз унгига беихтиёр Ахрор Ортиқов келадиган бўлди.

— Уша кунни қор ёғиб, ҳаво ҳарорати анчагина даража совуқ эди, — деди қаҳрамонимиз. — Каналда одам оқиб кетяпти, беш-олти нафар эркакдан бирортаси қутқаришга юраги бетламай турибди. Фойбдан бир шижоат келиб, ўзимни каналга ташладим. Қирғоқда ўқитувчи аёллар қизни тортиб чиқаришга ёрдам қилишди. Айлим эркаклардан аёллар мардорлими, деб ўйлаб қоласан киши. Тўғри, ҳаммаям жонини ўйлайди, балки улар сузишни би-

лишмас, балки шамоллаб қолишдан қўрқандир. Мухими, бир оиланинг гулдек қизи ҳаёти сақлаб қолинди...

— Қаҳрамонлик қилиб, аёлингиздан гап эшитгандирсиз? — дея кулиб сўрадим ундан.

— Йўғ-е, аксинча, бир бечоранинг ҳаётини сақлаб қолиб, катта савоб иш қилиб-сиз, деб у хурсанд бўлди. Мени маҳалла деса, жонини берворадиган кишиликимни яхши билади. Турмуш ўртоғим Ферузахон Туропова — синфдошим. Мақтабда ўқитувчи. Икки ўғил, бир қизимиз бор. У ҳам ўқувчи болажонларга жуда меҳрибон.

“Чордона” қишлоғидигиларнинг айтишича, маҳаллада нима гап бўлса, биринчи Ахрорбек раисга кўнграқ қилиб ёрдам сўрашар экан. Кун-йигирма тўрт соат телефоний ёниқ тураркан. Рақамини ўзгартирмайдиган раҳбар экан. Маҳалланинг ёшу қариси бирдек унга суянишар, унга ишоншар экан.

— Маҳалладагилар отангизни ҳам яхши инсон бўлган дейишди!

— Катта раҳмат. Отам раҳматли колхозда бригадир бўлиб, одамларга фақат яхшилик қиладиган меҳнаткаш инсон эди, — деди у. — Одамларнинг оғирини енгил қиладиган, иссиқ-совуқ кунда ёнида турадиган ишончли киши бўлган. У пайтда ёшлар етакчисини “комсомол секретари” дейишар. Отам комсомол мактабидан чиққанман деб айтиб юрардилар. Комсомоллар ватанпарвар, фидойи бўлган-да.

“Ҳозир ёшлар ҳам бошқача, маҳалладагилар орасида ҳам оқибат кўтарилиб борапти. Бирор киши автоҳалокатга учраса, бир културм сув бериш зўрига уни телефонда суратга олишади. У-бу кимга

жўнатишадими-ей! Одамларда, айниқса, ёшларда бошига қулфат тушганларга меҳр-шафқат кўрсатиш ҳисси йўқолиб бормоқда.

Шундай ҳолатлар бўладики, ҳатто воқеани кўрган одам гувоҳлик беришни хоҳламайди. Холис гувоҳлик ҳақиқатни аниқлашга асос бўлади-ку! Орган ходимларида ҳам айб кўп. Гувоҳларни сарсон қилишади”, дея мулоҳазаларини баён қилди Ахрорбек.

— Маҳаллада ҳаёт шундай, ишлайман деган раисга йигирма тўрт соат иш топилади.

— Ҳа, тўғри айтасиз, мен яшайдиган Тошкентнинг “Кўкча Оқтепа” маҳалласи раиси Собит ака Имомов ҳам маҳалла фидойиларидан. Орденлар олган. Президентимиз назарига тушган раислардан бири. Сизга ҳам унинг йўлини берсин, — дейман унга.

— “Чордона” маҳалла фуқаролар йиғини худудда 797 хонадонда 4 минг 652 нафар фуқаро истиқомат қилади. Ишсиз ва камбағаллар санокли. Оилалар мурасали. Маҳалладошлар томорқаларидан унумли фойдаланишади. Ўзим ҳам томорқамга бу йил бўғдой эқдим. Уч бош қорамолимиз, ўттизта товуқ, олтига қуркамиз бор. Мевали дарахтлар парварши қиламиз, сабзавот экавим. Хуллас, рўзгорга керакли анча-мунча ноз-неъматлар ўзимиздан чиқади.

— Наманган муҳандислик-педагогика институтини битирганман, — деди у. — Олти йил коллежда дарс бердим. Ўттиз ёшимда маҳалла фуқаролар йиғинига раис бўлдим. Ушанда нафақат туманда, балки вилоятда ҳам энг ёш раислардан эдим.

Мана беш йилдирки, маҳалламиз тинчлиги, ободлиги ва жиқлиги учун чин кўнграқдан меҳнат қилялман. Маҳаллада ечимини топиши керак бўлган масалаларга келсак, улар ҳар кун бор. Сон-саногий йўқ муаммоларни ечиш кимгадир баланд тоққа чиқишдек оғир кўринар. Менга эса ундай эмас, одамлар оғирини енгил қилиб, ўзим ҳам енгил тортаман, вужудим ҳузурланиди. Дилдан хурсанд бўламан. Бу Яратганнинг менга берган неъматини, яхшилик қилиш имконияти дейман. Айрим оғайниларим: “Намунча жон кўйдириб ишлайсан, нима, онанг сени меҳнатга туққанми?” деб ўзларича “меҳрибонлик” қилишади. “Шундайман-да!” деб гапни қисқа қиламан. Одамларга яхшилик қилиш — ҳаётим мазмуни.

Ўтган йили ноябрь ойида онамни умра зиёратига қўйгандим. Умрага кетаётган онам: “Бирга борсак, яхши бўларди, ўғлим”, деб роса илинганди. Муборак сафардан келганларида, қишлоғимиздагилар байрам қилиб қўтиб олишганди. Бундай эътибордан бошимиз кўкка етди.

“Задаре”да оққан қизни қутқарганим учун эса Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев Тошкентга таклиф қилиб, тантанали равишда “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишони билан тақдирлади. Пойтахтдан Мингбулоққа Уюшма вакиллари ҳамроҳлигида қайтсам, туман ҳокимимиз Ахрор Мансуров бошчилигидаги нурунийлар, вилоятимиздаги маҳаллалар фаоллари, ўқитувчилар, ўқувчи ёшлар кўчаларни тўлдириб, гулдасталар билан қаҳрамонлардек қўтиб олишди. Ўзимни гўё онам билан Маккаю Мадина зиёратидан келгандек ҳис қилдим...

Аммо каналда оқиб бораётган бир қизни қутқариб қолганим учун билдирилган кўнграқ-кўп илтифот ва эътиборлардан ҳижолатдаман. Негаки, бу ишни мен бирор бир тақдирлов ёки мактов учун қилганим йўқ. Бундай нарсалар ҳаёлимга ҳам келган эмас. Мана сиз ҳам газетга шу ҳақда ёзаман деяспиз. Ошиқча камтарликка йўймангү, бироқ шарт эмас эди. Ахир, ҳар қандай одам қўлидан келса, яхшилик қилиши керак-ку, — деди у самимий, лекин жиддий ҳолда.

Бу навқирон инсоннинг фазилати, камтарлиги чиндан ҳам мактовга арзишини хис қилдим. Эҳтимол, шунинг учун ҳам фидойи ва жонқур маҳалла раиси билан суҳбатимиз худди аввалдан бир-биримизни яхши билган кадрдонлардек мароқли кечгандир? У билан хайрлашар чоғи ҳазиллашди: “Худо кўрсатмасин, яна кимдир сувда оқиб кетаётган бўлса, қутқарасми?” деб сўрадим. У жилмайиб:

— Ўйлаб ҳам ўтирмай, албатта, қутқарган бўлардим, — деди.

Ахрорбек ука! Сиздай мард йигитни дунёга келтирган онангизга раҳмат! Оламдан ўтганидан кейин ҳам ортидан раҳматлар бориб турадиган отангизга қулпуқ!

Дилмурод ҚИРГИЗБОВ,  
публицист.

ФИКР

Муствақиллигимиздан ҳар қанча айраниб ўргилсанг арзийди! Миришкор деҳқонларимиз, фермерлар, тадбиркорлар бахтимизга доим омон бўлишим!

Муствабид тузум даврида дидингизга ёққан бирор кишим ёки ноёб буюм керак бўлса, тўппа-тўғри магазинга борма, аввал таниш топиб (“шапка”сини ҳам тўлаб) ишингизни битирар эдингиз. Энди-чи, қайси дўконга кирманг, истаган нарсани топиш мумкин. Фақат пулингиз бўлса, бас!

# ХОҲЛАСАНГИЗ ШУ...

Бозорларимиз ҳам тўкин-сочин. Авваллари ўзи у ёқда турсин, ҳатто номи ҳам тушингизга қирмаган, хориждан келтирилган банан, киви, манго, ананас, турли нав мандарин, апельсин, эҳе, ҳамма ноз-неъматлар пештахталарда тўлиб-тошиб ётибди.



Бундай мўл-кўлчиликни бунёд этаётган деҳқон-у тадбиркорларни “Асло кам бўлманглар, илоҳим, умрингиздан барака топинглар!” деб дуо қиламиз.

Инсофли тадбиркорлар ўз ишчи-ходимларига иш ҳақини етарли миқдорда тўлаб, кун давомида иссиқ овқат билан таъминлаши, байрам арафаларида мукофот пули бериши, гоҳо-гоҳо ҳавоси мусофого тоғли, сўлим жойларга саёҳатлар уюштириши каби зғу ишлар қилаётганига қойил қолсам. Одамийлик ҳукм сурган бундай корхоналарда иш унуми юқори, раҳбарларга хурмат-эҳтиром ўз жойида бўлади, албатта.

Энди вақт тақозоси билан баъзи тадбиркорларга тегишли, оғриқли бир муаммо ҳақида ҳам икки оғиз сўзимиз бор.

Хукуматимиз ҳар йили иш ҳақи, пенсия ва нафақаларни ошириб боради. Лекин айрим тадбиркорлар қўлида ишлаётган ишчиларнинг иш ҳақини неғадир оширмайди. Баъзи бир корхона раҳбарларининг найрагани кўрсангиз, икки миллион ёки уч миллион сўм ойлиқнинг ярмини “ведомость”га киритиб, қолган ярмини нақд тўлайди.

Ахир бунда бечора ишчи бир кун келиб, пенсияга чиқади-ган бўлса, кам пенсия билан чув тушганга қолаверди. Бундай адолатсиз ҳолатларга ўзим гувоҳ бўлганман.

“Нарх-наво тинмай охири бораётган, бюджет ташкилотларининг иш ҳақи ҳар йили оширилаётган бўлса-ю, бизники нега оширилмайди?” деган саволга ҳўжайинларни: “Хоҳласангиз шу, хоҳласангиз ишдан кетишингиз мумкин. Урнингизга бошқасини қабул қиламиз”, деб жавоб беришади. Бечора ишчи ишсиз қолишдан қўчиб, ноилж арзон-гаровга ишини давом эттиришга мажбур бўлади.

Таклиф шуки: хукуматимиз ҳар йили иш ҳақини неча фоизга оширса, барча тадбиркорлар ўз ишчи-хизматчиларининг маошини ҳам шунча фоизга ошириши белгилаб қўйилсин.

Тўғри, Давлатимиз раҳбари ойлик-маошлар, пенсия ва нафақалар, талабаларга бериладиган стипендияларни ошириш ҳақида фармон чиқардилар. Аммо хусусий корхоналар ўз билганларича иш қўришади. Чунки давлат тадбиркорлик, хусусий корхоналарга “фалон миқдорда маош оширилсин” деб буйруқ бера олмайди. Бу қонуний тўғридир. Аммо йил давомида ишчиларига ўз билганларича маош бериш, солик тўлашдан қочи-б, давлатдан яшириб “конверт” билан ҳам тўлаш, бунинг устига, корхонада 50 кишини ишлатиб, тегишли ҳисоботларга 5 кишини кўрсатиб фаолият юритиш ҳам инсофсизлик эмасми?!

Шундай экан, бу борада ҳам ўйлаб кўрадиган, ижобий ечимини топиш мумкин бўлган муаммо бор, назаримизда. Зеро, қонун барчага тенг, баробар бўлиши лозим эмасми?

Жаҳонгир ПИРМУҲАММЕДОВ,  
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ТИББИЁТ

# БЕМОРНИНГ СОҒАЙИШИ — ШИФОКОРГА КУЧ БЕРАДИ

## бу мингбулоқлик шифокор Улуғбек Мусаевнинг сўзлари

Ўтган йили Улуғбек Мусаевнинг ҳаётида унутилмас воқеалар кўп бўлди. Соғлиқни сақлаш тизимини халқаро андозалар асосида ривожлантириш, соҳада туб ислохотлар ва муҳим дастурларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги катта хизматлари, ўзининг фидокорона меҳнати, юқори касб маҳорати ҳамда ибратли фаолияти, ҳаётдаги фаол иштироки учун Тиббиёт ходимлари кўни муносабати билан кўсини “Шухрат” медали беади. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига сайланди. Меҳнатобод қишлоғи марказида барпо этган “Ватанпарварлар хиёбони” кўпчилик эътирофига сазовор бўлди...

Етмишинчи йиллари Мингбулоқнинг Меҳнатобод қишлоғида туман марказий шифокорасининг асаб касалликлари бўлими бўларди. “Гигант” жамоа ҳўжалиги бошқаруви соҳиби раис Абдуаслом Ғофуров касалчонани иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турган. Колхозлар тугатилган, шифохона мададсиз қолди. Бош врач Ҳамидулла Эргашев турли раҳбарлардан ёрдам сўраб чарчади. Топган-тутганини бинони таъмирлашга сарфлади. Четдан кўмак ололмади. Ерлар шурхоқ бўлганлиги сабабли деворлар ва ҳатто пойдеворлар нураб, полнинг тахталари чириб, охири сақлашнинг иложини қилолмайдиган даражага келди. Орзу-мақсадлари ушалмади. Сайёра Мамадалиева билан Нарғиза Мирзахмедовалар ҳақида ҳам илиқ сўзлар эшитдик: “Қушда тиним бўла-

Германия ва Хитой давлатларида ишлаб чиқарилган тиббиёт асбоб-анжомлари харид қилиб олинди. Қонни биохимик таҳлил қилиш кўп вақтни оларди. Бундай таҳлилни эндиликда узоқ шаҳарларга бормасдан, шу ернинг ўзида қилиш мумкин. Замонавий жиҳозлар келтирилган, тиббий хизмат сифати ва самардорлиги ортди. Ҳозир бу шифо масканида кўп йиллик тажрибага эга Манзур Мадяррова, Нилуфар Юлдашева, Раънохон Турдиева, Муқаддас Имомова, Дилдора Собирова, Юрсини Саидова каби шифокорлар бутун меҳрини бахшида этган ҳолда ишлашмоқда.

— Врач Эгамберди Тўйлибоевнинг қўллари дард кўрмасин, — деди Ян-киўрғон туманидан келган бемор Абдурашид Раимов. — Палатага қандай ҳолатда ётқизишганини эслолмайдиган аҳволда келганим. Кўриб туриб-сиз, беш кунда оёққа турдим.

Поплик бемор Ҳамид Қодиров эса замонавий усуналар ёрдамида уқаловчи Элёрбек Зокиров билан Гулсара Ҳасановаларнинг беморларга ширинсўзлиги ва меҳрибонликларидан чекиз мамнулигини изҳор қилди. Сайёра Мамадалиева билан Нарғиза Мирзахмедовалар ҳақида ҳам илиқ сўзлар эшитдик: “Қушда тиним бўла-



Суратда: шифокор Улуғбек Мусаев (чапда) Наманган вилоят ҳокими Шавкат Абдуразақов билан.

ди-ю, бу қизларда тиним йўқ экан”.

— Беморларга уч маҳал иссиқ овқат берилиши ҳаммамизга манзур бўляпти, — деди гуртепалик бемор Абдурахим Маматқўзиёв. — Ошхона овқатлари унча-мунча рестороанларникидан қолишмайди. Бунинг учун ошпазлар Улуғбек Ҳасанов, Шокиржон Маматқўлов, Шоира Мелибоеваларга минг раҳмат!

Шифохонада малакали невролог, терапевт, физиотерапевт, кардиолог, гинеколог каби врачлар беморлар хиз-

матида. Беморлар учун 100 та ўрин мавжуд бўлиб, хоналарда барча шарт-шароитлар мужассам.

Қум билан даволаш йўлга қўйилган. Энди шифобахш шўрсуз билан даволашни жорий этиш чоралари қўрилмоқда.

Тиббий хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш учун яна қатор лойиҳалар амалга оширилди. Замонавий ошхона қурилди. Бу ерда беморларни кўриш учун келган кишиларга ҳам хизмат кўрсатиш режалаштирилган. Ош-

хонада 2 кишиликдан 20 кишиликкача мўлжалланган турли ўлчамдаги хоналар учун хизматда.

Яна бир янгилик. Шифо излаб нафақат кўшни вилоятлар, ҳатто Тожикистон, Қозғистон ва Қирғизистондан ҳам беморлар келишадиганини инобатга олиб, худудда 12 та кotteж қуриш лойиҳалари ишлаб кўтилди. Уларда оилавий дам олиш ва даволашни шартлоштирилади.

Шифохона ҳовлиси яшиллигини кўпайтириш мақсадида бир ярим минг туғдан ортик ноёб гул ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари тўхтовсиз давом эттирилмоқда. 60 хилдан зиёд ноёб жониворлардан иборат мўъжазгина зоопарк ташкил этилган. Бу беморлар ҳамда уларни йўқлаб келувчи кишилар учун айна мудабо бўлди.

Шифохона биноси туман марказидан 8 километр олисда. Бу турли узоқдан келувчи кишиларга ноқулайлик тугдирарди. Уларга енгиллик яратиш мақсадида туман маркази — Жомашуй шаҳарчасида ҳам шифохонанинг замонавий меъморий талаблар даражасидаги янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Беморлар учун барча зарурий шарт-шароитлар муҳайё этилган. Яна қўшимча биналар қуриш давом эттирилмоқда.

— Шифокор бўлганимга, ҳам врач, ҳам табиб сифатида халқимиз хизматини қилаётганимга шўқроналар келтирирман, — деди олий тоифали врач, тиббиёт фахрийси Эргашали Мусаев. — Ўғлим Улуғбек ҳам менинг изимдан бориб, касбимни эгаллади. Бизнинг даврларда шароитлар соддароқ эди. Ҳозирги шифокорларга ривожланган

хориж давлатларидагидек қулай шароитлар яратилган, ривожланган чет давлатларнинг тиббиёт анжомларидан фойдаланган ҳолда фаолият юритаётганликлари катта бахт, катта имконият.

...Алламаҳалда тишингиз оғриганими? Нақадар азоб-а? Қўлоғингиз оғриса, қанчалар қийналасиз. Юрак, ошқозон ва бошқа органлар хасталиги ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Қаеринг оғриса, жонинг ўша жойдадек туюлавераркан. Дарддан халос бўлгунча ўзингизни қаерга қўйишни билмай қоласиз.

Бундай оғриқ ва изтиробларни ўтказиётган давларда шифокорга шунчалик кучли эҳтиёж сезасизки... Бевозта қилаётган дарддан тезроқ қутулиш учун нажот қилдирасиз. Доктор хузурига тезроқ бормас дейсиз!

— Дардинг оғир-енгли бўлмайди, буни болагимизда яқинларим хасталикка чалиниб, қанчалар азоб тортишганида билганман. Врач бўлишни уларни кўриб орзу қилганман. Беморини келса, касбий билимимни аямай ёрдам бериш мен учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Ҳар бир беморнинг соғайиши катта ютуқ деб ҳисоблайман.

Улуғбек Мусаевнинг бу сўзлари унинг ўз касбини жуда яхши кўришидан далolat.

Тиббиётда касбий маҳорат мутасил равишда ошириб борилиши зарур. Улуғбек Мусаев 2014 йили Хитойда шифокорларнинг бир ой давом этган халқаро конференциясида фаол қатнашиб, сертификат билан қайтди.

Қосимхон АКБАРОВ,  
“Мингбулок” газетаси бош муҳаррири.

ТААССУРОТ

Сибсатни тушиниш, иқтисодни юксалтириш, эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш учун ҳам инсонлар маърифатли, маънавиятли бўлиши лозим. Тафаккури зиё билан ёришган, миллий қадриятлардан хабардор, меҳр ва саховат каби инсоний туйғулардан озиқланган кишиларгина пешқадам бўлишади.

“Маърифат улашиб” лойиҳаси ана шундай эзгу мақсадлар учун ташкил этилмоқда.

Талабалар ва ўқувчилар билан ўтказган учрашувларимизда муассаса раҳбарлари ҳам иштирок этишмоқда.

Бу бизга куч, рағбат беради. Учрашув, суҳбатларнинг ҳар лаҳзасида ўзимизни маърифий дарс ўтаётган устоздек ҳис қилдик.

Халқаро Ислоом академиясида ўтган учрашув ҳеч қачон эсимдан чиқмас керак. Режиссёр тарафидан саҳналаштирилган, талабалар театр студияси томонидан “Жадидлар армони” спектакли янгича ёндашувлари, талабалар маҳорати, воқеаларни юракдан ўтказиб ижро этилиди. Усмон Носир: “Совқотдим, бунча совуқ бу дунё, бунча совуқ...” дея фарёд чекаётган пайтда ёнимда ўтирган ҳамроҳим шоир Ботиржон Эргашев:

— Ростдан совқоти кетялман, ичимга муз киргандек бўлди, — деди, унинг овозида чиндан ҳам титроқ бор эди.

Спектакль тугагач, академия ректори Музаффар Комилов ҳозиргина кўрганимиз — миллимиз оидинларининг халқимиз онгини ёриштириш, ҳақини танитиш, қуллик нима, эрк нима ағлатиш йўлида олиб борган жасоратли курашлари учун тортган изтироблари таассуротида турган олим бир неча дақиқа сукунат қолди. Ректор биз билан Қорасаройдаги мактабларга боргани, ўқувчилар рўпарасида маърифатдан сўз айтгани ҳам қимматли бўлди.

Тиббиёт академиясининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори биз борган мактабларда лойиҳа доирасида ўз ташаббуслари билан ўша ҳудуддаги аҳоли учун тиббий кўрик ташкил қилди. Халқимиз учун бундай иш манфаатли.

Фаргона олий таълим масканларидаги учрашувларда эса минбарда маърузачи, тўп-

# ОНГ ЁРИШСИН, ҚАЛБЛАР УЙҒОНСИН!



ланганлар тингловчи бўлишдек анъанавий усулдан қочдик. Фаргона озиқ-овқат технологиялари ва муҳандислик институти, Тошкент ахборот технологиялари университети Фаргона филиали, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг Фаргона филиалларида бўлган учрашувларда кўпроқ талабаларни суҳбатга тортидик, ёшларнинг маънавий-маърифий оламларига қизиқдик. Улардаги эркин фикрлашни кўргимиз келди. Айрим талабаларнинг фикрларидан эътиборингизга ҳавола қилмоқчимиз:

**Гулгинахон АБДУРАЗОҚОВА:**

—Тошкент ахборот технологиялари университети Фаргона филиали компьютер инжиниринги ва сунъий интеллект факультети талабасиман. Оддий оиланинг фарзандиман. Отам Муроджон Абдуразоқов тадбиркор, онам Чаросхон Султонова нафақада. Мактабни тугатгач, дастлаб ҳуқуқ соҳасида ўқидим. “Бу соҳада ишлаганлар тўқис бўлайди”, тарзидаги нуктаи назар онгимда ўрнашиб қолгани учун шу соҳани танлаган бўлсам керак. Бироз вақт

ўтгач, ахборот технологияларига қизиқиб қолдим ва соҳамни ўзгартирдим. Бу — тўғри танлов бўлганлигини менинг ҳозиргача эришган ютуқларим исботлаб турибди. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги стипендия номзоди, Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирлиги стипендияси номзоди бўлдим. “Йил талабаси” танловида иштирок этиб, “Йилнинг энг фаол тадбиркор талабаси” номинацияси ғолиби деб топилдим.

**Нафосатхон ИБРОҲИМОВА:**

— Мен Гулгина билан ҳамкурсман. Курсимизда ўртача ўқийдиган талабанинг ўзи йўқ. Умуман, бизнинг соҳамизда ўртамеъна мутахассис бўлиш мумкин эмас. Соҳанинг ўзи билимсизликни кўтармайди. Мен ҳам “Йил талабаси” кўрик-танловининг “Ўз мутахассислиги бўйича йилнинг энг билимдон талабаси” номинацияси ғолиби бўлдим. “Мирзо Улуғбек ворислари” кўрик-танловининг республика босқичи фаол иштирокчиларидан бириман ва бу ғолиблик учун каттагина пул мукофоти олдим... Талабаларни тинглар эканмиз, Фарғонада

ўтган талабалик давримиз эсга келади. Биринчидан, худди шу кунларда пахта “фронт”и-дан эндигина қайтиб, совуқдан ёрилиб кетган кўлларимизни даволаш билан банд бўлардик. Иккинчи тарафдан, янги йилдан сўнг бошлангандиган (пахтадаги кунлар, йўқотилган вақт ҳисобига) олти паралик дарслар, ундан сўнг кун оралатиб келадиган имтиҳонлар юки босиб келарди. Компьютер, сунъий интеллект деган терминлар бизга бегона эди.

Ёшларнинг ўзларига бўлган ишончини кўриб, Учинчи Ренессанс орзуси ҳақиқат эканини хис қилади киши.

**Дониёрбек ИСРОИЛОВ:**

— Озиқ-овқат технологиялари ва муҳандислик институтининг туризм йўналишида таълим оламан. Тўрт йил репетиторларга қатнаб ўқишга кирганман. Биз — ёшлар ҳозир ҳаракатдан, ўқиш, ўрганиш йўлидаги интилишдан тўхтамаслигимиз кераклигини биламиз. Ҳозирги кунгача инглиз, турк, рус тилларини яхши гаплаша оладиган даражада ўзлаштирдим. Ўз соҳам бўйича юртимизда ишламоқчиман. Са-

йёҳлик хизматини яна ҳам юқори даражага кўтартиш учун хизмат қилмоқчиман.

**Назokat АБДИРАСУЛОВА:**

— Мен ҳам озиқ-овқат технологиялари ва муҳандислик институтининг экология ва агро-муҳитни муҳофаза қилиш йўналишида таълим оламан. Табиатга белсандлик инсониятга катта талафотлар келтириши мумкинлигини яшаётган ҳаётимиз тобора кўрсатмоқда. Шу ҳақиқат боис соҳага жонкуярлар кераклигини тақозо қилапти. Дарахт, қушлар, сув, ҳавони асрашга одамларни ургатиш қаҳрамонлик эмас. Бу — юрак, кўнгил, бурч иши.

...Гулжан атрофидаги мушоиралар ҳам, талаба ёшлар иштирокида ўтган “Заковат” интеллектуал ўйинлари ҳам, дарахт ўтқазил маросимлари ҳам, спорт йўналишида тахсил олаётган чемпионлар билан учрашувлар кўпроқ ҳайратга солди. Ёшларимиз анча фаоллашган. Иккинчидан, қизлар шеър ёдлаган, ашула айтган, рақсга тушган... бунга ўрганиб қолгандик. Шўқр, ўғил болаларимиз ҳам Чўлпон, Қодирий қиёфаларида давра ўртасига чиқишди. Жадид оталарни таниш бошландим, демек уйғонишга келдик, деяверинг. Ҳар бир учрашув маърифат йўлларининг бир бекати сифатида кўнгил дастларимизга ёзилиб қолди.

Аммо гоҳ маърифат улашганимиз, гоҳ маърифат олганимиз бу лойиҳа доирасидаги учрашувларга бор имкониятлардан фойдаланилди, деб бўлмас. Маълум бир сана муносабати билан тайёрланган кечага бизнинг тадбирларимизни қўшиб юбориш ҳоллари ҳам бўлди. Бу — “Ўтдими, ўтди” тарзидаги муносабат борлигини кўрсатади.

Бу лойиҳанинг мақсади онгни ёриштириш. Қалбларга маърифат орқали миллиятпарварлик, ватанпарварлик уруғларини сочиш.

Биз — зиёлилар бу лойиҳада иштирок этишни ўзимизга юклатилган вазифа, халқ ва Ватан олдидаги эзгу бурч, деб тушунмоғимиз керак, албатта.

Қўлибека РАҲИМБОВА

ЁШЛАР ИЖОДИДАН

# БУНЧА ГЎЗАЛ БЎЛМАСАНГ, ДУНЁ...

Мамлакатимиздаги барча олий таълим муассасалари ҳамда умумтаълим мактабларида талаба ва ўқувчиларни китоб мутолаасига жалб этиш, бадий саводхонлик даражасини ошириш орқали уларни ватанпарварлик ва юртимиз келажакига дахлдорлик руҳида тарбиялаш мақсадида “Маърифат улашиб” лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Лойиҳа доирасида таниқли шоир ва ёзувчилар томонидан “Гулжан атрофида суҳбат”лар, ижодий учрашувларда истеъдодли ёшларнинг энг сара шеър ва ҳикоялари танлаб олинди. Ёшларнинг бу ижод намуналари Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси томонидан тўпلام ҳолида нашр қилинган.

Қўйда берилаётган шеърлар “Маърифат улашиб” лойиҳасининг махсули сифатида ҳавола этилмоқда.



Муҳаммадали ҒАФҒОРОВ,  
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси

## ОТАМ ВА ШЕЪР

1  
Уйимизга Хизр келгандек,  
гўзал эди бари ўшанда:  
отам қайтар эди беда сўғориб,  
онам нон ёпарди тандирга,  
акам даладан мол ҳайдаб қайтганди —  
ҳаммининг тайинли иши бор эди...  
фақат мен бошқача чиздим оламини,  
фақат мен бошқача титроқлар тўйдим;  
отамнинг: “Тутуми йўқ бу болангни!” —  
деган гапларини эшитиб кўйдим:  
ҳаммаси чиройли кечаётганда  
шеър ёзиб кўйдим.

Ичимда сўз тўла кон бормиди-ё,  
кондан сўз тўкилар он бормиди-ё,  
отамнинг: “Тутуми йўқ бу болангни!” —  
деган гапларида жон бормиди-ё?..

2  
Уйимиздан Хизр кетгандек,  
акам молларини пуллади арзон,  
менинг видойимни эшитмасдан, тек,  
отам кўчиб кетди қабристон томон.  
Оҳларим осмонга учётганда,  
дилим ғам шаробин ичаётганда,  
олам бир қайғуни кечаётганда...  
шеър ёзиб кўйдим.

Дилдан ғам тўкилар он бор эди-ё,  
ҳасратлар дард тўла омбор эди-ё,  
отамнинг: “Тутуми йўқ бу болангни!” —  
деган гапларида жон бор эди-ё.

3  
Бугун ҳам кунимга шўқронам синиқ,  
бугун ҳам барини тақдирга йўйдим,  
бугун ҳам яшагача бўлмади кўниб,  
бугун ҳам,  
кечиринг,  
шеър ёзиб кўйдим.

Ичимда сўз тўла кон борми дейман,  
кондан сўз тўкилар он борми дейман...  
отамнинг: “Тутуми йўқ бу болангни!” —  
деган гапларида жон борми дейман.

Гулсевар ХУРРАМОВА,  
Тошкент давлат аграр университети талабаси

\*\*\*  
Бир учқунга ўхшайман гўё,  
Гулжан бўлиб ёнмоқдир орзум.  
Бунча гўзал бўлмасанг, дунё,  
Сенга қараб тўймайди кўзим.

Мен ниҳолман, мен майсакурман,  
Куртак очган бир чечакдирман.  
Хумо қушнинг қанот остида,  
Порлаб турган келажакдирман!



Бобомурод САЪДУЛЛАЕВ,  
Ўзбекистон Миллий университети талабаси

Узоқ манзилларда муқим турган он  
Бир таскин дардида учганда охил.  
Қалбимга ҳаловат улашган макон,  
Мен сени қуйлайман яна, Қишлоғим.

Далалар бағрида кезганда якка,  
Тоғлар келбатидан қақнаганда кўз.  
Номинга бағишлаб бир шеър демакка  
Сарсонман сўзларнинг даштида ҳануз.

Юлдузлар чорласа ўзига элас,  
Қанот чўқармоққа шайдирман зотан.  
Мен учун шоҳона биноларданмас,  
Дехқон кенгликлардан бошланур Ватан!

Йиллар чарх урадир тинмай, хойнаҳой.  
Эҳтимол, кетгайимиз опислаб йирок.  
Болалик кезларим муҳрланган жой  
Ширин хотиралар кўмилган тупроқ...

Наима АНВАРОВА,  
Ўзбекистон Миллий университети талабаси



## ХҲРОЗҚАНД

Беш-олти чақа  
Бериб укамга.  
Асло сездирма,  
Дедим, акамга.

Йўқса иккимиз  
Еб қоламиз панд.  
Олиб кел бунга  
Ширин хўрозқанд.

Укам дўконга  
Бориб келди тез.  
Мен ҳам ичимдан  
Кўвондим шу кез.

Қанд олдим, дейди  
Ховлиқиб бироз.  
Лекин бу пулга  
Келмади хўроз.



Рухшона НИШОНОВА,  
Фаргона давлат университети инглиз тили ва адабиёти факультети талабаси

## ЯХШИ ҲИЙН

Ука!  
Тўппончангни иргитиб юбор,  
“Уруш-уруш” уйнама энди.  
Ва милликлар чиқмас тақрор,  
Уруш нима, билмасанг эди.

Синглим!  
“Доктор-доктор” уйнама асло.  
Қайта қолгин энди бу шаштдан.  
Қўлингга қўйиричонинг ҳам  
Чарчади-ку бемор яшайдан.

“Хола-хола” укамизга ёт,  
“Ҳақкала”ни суймайди феълнинг.  
Бутун дунё соғинган уйин —  
“Меҳмон-меҳмон” уйнаймиз, келинг!

Момиқ. Ғулум дўстимнинг бошқа мушукларга ўхшамайдиган оқ-қулранг аралаш, панжалари катта-катта, кўзлари ям-яшил, нақ улоқдек келадиган исмига мос мушуги. Уни ҳамма шундай атайди. Кўринишидан баҳайбат ёввойи мушукка ўхшаб кўринса-да, ўзи беозор.

Маҳалладаги ҳамма болалар унинг ҳамроҳ дўсти. Момиқни кўриб қолгудек бўлишса, у билан уйнашади. Юнларини тарашади, қучоқлашади. Гоҳ-гоҳида мулозамат кўрсатиб, еб турган нонларини, пиширик, қолбасаларини ҳам у билан баҳам кўришади. Момиқ ҳам болалар қўлидан



МОМИҚ  
Ҳикоя

таом ейишни ва улар билан уйнашни яхши кўради. Маҳалладаги болалар кўринмай қолса, безовталанмади. Бошини, думини ва қулоқларини кўтариб атрофга аланглайди. Кўчаларнинг у бошидан бу бошигача айланмай чиқади. Сўнгра яна ўзининг уйига қайтади. Бошини олдинги оёқлари устига қўйиб, кўзларини юмиб-очиб атрофдан ниманидир излайди...

Яқинда жуда бир қизиқ воқеа бўлди. Ғулум дўстимнинг укасига суннат тўй қилишди. Тўйнинг базми авжига чиққанда майда-майда қадам босиб, бошини қўйи солганча Момиқ кириб келди. Ҳамма ўзи билан ўзи овора, ҳеч ким унга эътибор қилмади. Давранинг қоқ ўртасига етганда у тўхтади. Бошини чўзганча атрофга разм солди. Унинг кўзлари Ғулум билан уйнаётган синфдош дўстим Шухратга тушди. Сергақ тортиб, қулоқларини диқрайтирди. Қаҳр ва ғазаб билан миёвледи. Қутилмаганда Шухратга ташланди. Шухрат эса ҳовли айланиб югуриб қочди, ўзини қаравот устига урди, аммо Момиқ абжирлик билан қаравот устига ям қилиб олиб, Шухратнинг қўлини тирнаб ташлади. Ғулум етиб келмаганда, ким билсин, бу воқеа қандай тугарди.

— Ҳалиям мени худо асради, югуриб уйга кирмаганимда нима бўларди? — деди Шухрат ховлиқанча. Бу воқеа тўйдаги барчани ҳайратга солди.

— Момиқнинг бунақа одати йўқ эди-ку. Нега бундай қилди? Нега айнан Шухрат дўстимни қулаб кетди? — деди Ғулум. Момиқни ушлаб, ҳайрон бўлиб.

Ойдин РАҲМАТУЛЛАЕВА,  
Тошкент амалий фанлар университети талабаси

— Эй, ҳаммасига ўзим... ўзим айбдорман, — деди Шухрат афт-ангори оқариб. — Бир кунни сенкига дарс тайёрлашга келгандим, Ғулум. Момиқ болаларини ошхона олдида аркалаб, уйнаётган экан. Иккимиз дарс тайёрлаб бўлгач, шумлигим тўтди, шекилли, Момиқ йўқлигида сумкамга унинг болаларидан бирини солдим-у, уйимга югурдим. Бир пайт боласининг овозини эшитиб, ортимдан Момиқ қолди, мен унга пишпишлаб тош отганча югурдим. Момиқ эса телбаларча маҳалла бошигача ортимдан югурди. Уйимиз олдида мени талқиб қилиб келди. Шунча тош отсам ҳам, бечора мушук уйимиз олдида кечгача кетмади.

Бу гапларни эшитиб, Ғулум мийғида кўлди.

— Дўстим, агар уйинг яқин бўлганда, Момиқ боласини, албатта, етаклаб қолган бўларди, — деди.

— Қизиқ, шунча кишининг ичидан мени таниганини айт, ақл бовар қилмайди, — деди Шухрат Момиқ тирнаган қўлига термулиб...

Тўйда бўлиб ўтган ана шу воқеадан бир неча кун ўтиб, биз болалар билан кўча бошидаги теракзор соясида футбол уйнардик. Кўчанинг сал нарироғидаги ариқда сув шилдираб оқар, тераклар шамолда оҳиста чайқалиб, бир-бирига шивирлашиб, атрофга ўзгача эб бериб турарди.

Бизга унча олис бўлмаган Ғулумнинг уйи тарига Момиқ болаларини уйнатиб ётарди...

Бирдан Шухратнинг дадасининг машинаси сигналдан кейин уйин тўхтади. Унда Шухрат ва дадаси тушди. Шухратнинг мактаб сумкаси бор эди. Момиқ ётган жойдан сергақ тортиб қўзгалди, у Шухрат томонга кела бошлади. Шухрат ҳаммаси билан бирма-бир саломлашгач, сумкасини очди. Унда мушук боласи бор эди. Уни авайлаб ерга қўйди. Момиқ бунчи кутмаган эди. Шиддат билан етиб келиб, ўз боласини эркалашга тушди. Сўнг оҳиста қадам ташлаб, Шухратнинг олдида келди. Унинг оёғига миёвллаб суйкала бошлади. Унга миннатдорчилик билдиргандай бошини ёнга эгиб, боласини эргаштириб уй томонга кетди.

